

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

**ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИНИНГ
МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ
(Адабий алоқалар)
фанидан**

**Ўқув-услубий
қўлланма**

Наманган - 2012

Ўқув-услубий қўлланма филология факультети ўзбек тили йўналиши 3-курс талабаларига мўлжалланган. Ундан ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари тарихи, ўзбек адабиёти ривожига таъсир кўрсатган форс-тожик шоирлари ижоди хусусидаги маърузалар ўрин олган.

Ўқув-услубий қўлланма НамДУ ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил «30» август ойида бўлиб ўтган йиғилишида 1-сонли баённома билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Тўзувчи:

ф.ф.н., доц. Ф.Каримова

Мухаррир:

ф.ф.н., доц. М.Сулаймонов

Тақризчилар:

ф.ф.н., доц. З.Содиқов

кат. ўқит. Д.Тожибоева

1-мавзу: Кириш. Курснинг мақсад ва вазифалари

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга адабий алоқа ва ўзаро таъсир масаласи ҳақида маълумот бериш;
- ўзбек ва форс-тожик алоқалари ҳақида тушунча бериш;
- ўзбек адабиёти ривожига форс-тожик адабиётининг ўрни ҳақида мукаммал билим бериш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар адабий алоқа ва ўзаро таъсир масаласи ҳақида билимга эга бўладилар;
- ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари тарихи билан танишадилар;
- ўзбек адабиёти ривожига форс-тожик адабиётининг ўрни ҳақида маълумот оладилар.

Кўргазмалар қуроллар:

Илмий-назарий адабиётлар, маърузалар матни, слайдлар

Режа:

1. Адабий алоқа ва ўзаро таъсир – адабиётлар ривожининг муҳим омили
2. Ўзбек ва форс-тожик адабий алоқаларига доир
3. Ўзбек адабиёти ривожига форс-тожик адабиётининг ўрни
4. Масалани ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти

Таянч сўз ва иборалар:

адабий алоқалар
адабий таъсир
форс-тожик адабиёти

Бадиий ижоднинг моҳияти унинг доимо ўзгариб туришини, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ тарзда ривожланиб боришини тақозо қилади. Бу ижодкорнинг ўз миллий анъаналари доирасида қолиб кетмай, ўзга халқлар бадиий меросини ҳам чуқур ўзлаштириш заруриятини юзага келтиради. Чунки таниқли адабиётшунос Г.И.Ломидзе таъкидлаганидек, «ҳар қандай халқ бадиий адабиёти бошқа халқлар билан алоқа қилмасдан, инсоният тарихи яратган маданиятнинг энг яхши томонларини ўрганмасдан, ўзлаштирмасдан туриб, тор доирада, фақат ўз қобиғида ривожланиши мумкин эмас».

Дарҳақиқат жаҳон адабиёти тарихидан маълум бўлишича, ўз даврининг ҳамиша буюк даҳолари ўзга халқлар адабиётининг қудратли таъсири остида, уларда илгари сурилган умуминсоний масалаларни ўз тафаккурларида «қайта ишлаб» миллий заминга мослаштира олишлари натижасидагина умумбашарий фикрларни кўтариб чиқа олганлар.

Адабий алоқа ўзаро таъсир – адабиётлар ўртасида доимо ривож топиб, тараққий қилиб боровчи жараёндир. Жаҳон халқлари адабиёти тарихида бу жараёндан четда қолган бадиий сўз санъатини топиш қийин. Жумладан, қадимдан Ўрта Осиё сарзаминида ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек ва форс-тожик халқлари адабиёти ҳам бундан мустасно эмас.

Форс-тожик ва ўзбек халқлари узоқ асарлар давомида ёнма-ён яшаганликлари учун улар ўртасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг илдизлари ҳам қадимийдир. Уларнинг тарихи, тақдири, босиб ўтган йўли, турмуш тарзи, кураш саҳифалари, урф-одатлари диний эътиқодининг бири-бирига монандлиги ўша баҳамжиҳат ҳаёт саҳифаларининг натижасидир. Буларнинг барчаси ўзбек ва тожик адабиётлари ўртасида асрлар давомида адабий алоқа ва таъсирнинг шаклланиши, тараққиёти учун замин ҳозирлади.

Ўзбек ва форс-тожик адабиётининг Фирдавсий, Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Атоий, Лутфий, Навоий, Бобур, Нодири, Увайсий, Муқимий, Фурқат каби вакиллари бир-бирларининг ижод бобидаги ютуқлари сирларини чуқур ўрганган, ижодий

ўзлаштирган ҳолда ўзига хос адабиёт намуналарини яратганлар. Бу ҳол ҳар икки халқ адабиёти ривожига катта ҳисса қўшганлиги табиийдир.

Ўзбек адабиётининг ривожига форс-тожик адабиётининг ўрни алоҳидадир. Биз буни Алишер Навоий мисолида яққол кўришимиз мумкин. Алишер Навоий устозлари – Фирдавсий, Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий сингари форс-тожик адабиётининг буюк сиймолари асарларини чуқур ўрганди ва улар ижодини ўзига хос мактаб деб билди. Алишер Навоий даҳо санъаткор бўлиб етишган экан, бунда шубҳасиз, туркий тилдаги адабиётнинг кўп асрлик ижодий тажрибаси асосий манба бўлди. Шунингдек, улкан шоир ижодининг баркамоллигини форс-тожик адабиётининг таъсиридан ҳам ахтариш тўғри бўлади.

Навоий, Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, Жомийлар билан ҳамсанавислик майдонида беллашиб, туркий тилда ўзига хос «Хамса» яратди. Шоир устозлар анъаналарини давом эттириб, уларга ижодий муносабатда бўлди.

Алишер Навоийнинг кўп асарларида, хусусан, «Хамса»нинг устозлар мадҳи берилган саҳифаларида шоирнинг улар ижодига муносабати ёрқин акс этган. Шунингдек, устозларнинг Навоий асарларини ўрганиш жараёнида форс-тожик ижодига қай тарзда таъсир кўрсатганлиги ҳақида ҳам муҳим хулосалар чиқариш мумкин.

Умуман, ўзбек ва форс-тожик адабиёти ўртасидаги адабий алоқалар қадимдан то ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу адабий алоқалар ҳар икки халқ адабиётининг ривожига самарали таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Адабий алоқа ва ўзаро таъсир масаласи ҳақидаги мулоҳазаларингиз қандай?
2. Ўзбек адабиётининг ривожига форс-тожик адабиётининг ўрни ҳақида сўзланг.
3. Алишер Навоий ижодига форс-тожик адабиётининг таъсири ҳақида гапиринг.
4. Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиётига таъсири ҳақида нималар биласиз?

2-мавзу: IX-XII асрларда форсий тилдаги адабиётнинг ривож топиши. Рўдакий

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга IX-XII асрлардаги ижтимоий ҳаёт ҳақида маълумот бериш;
- ўша давр адиблари ва уларнинг асарлари ҳақида тушунча бериш;
- Рўдакий ҳаёти ва ижоди ҳақида билим бериш;
- Рўдакий шеърларидаги фалсафий-ахлоқий қарашлар ҳақида тушунча бериш;
- Форс-тожик адабиётининг шаклланишида Рўдакийнинг ўрнини белглаш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар IX-X асрларда форс тилида ижод қилган адиблар ҳақида маълумот оладилар;
- Рўдакий ижодининг форс-тожик адабиёти шаклланишидаги ўрни билан танишадилар;
- Рўдакий ижодининг моҳияти ва мазмунини ўрганадилар;
- Рўдакий шеърларини ўқиб, бадиий-эстетик тарбия оладилар.

Кўргазмали қуруллар:

Маърузалар матни, Рўдакий шеърлари, слайдлар

Режа:

1. IX-X асларда форсий адабиётнинг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари
2. Форсий шеъриятнинг асосий шакллари
3. Рўдакий – форс-тожик адабиётининг асосчиси
4. Шоир биографиясига доир маълумотлар
5. Адабий мероси
6. Шоир шеъриятининг жанрлар таркиби ва мавзу доираси

Таянч сўз ва иборалар:

Рўдакий
 Рўдакий ғазаллари
 Рўдакийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари
 рубоий
 тўртлик
 форсий мероси

Форс-тожик классик адабиёти араб халифалигининг ҳукмронлигига қарши халқ норозилиги асосида ва шу кураш жараёнида IX-XI асрларда ёзма адабиёт бўлиб шаклланди ва тараққий топди.

Форс-тожик тилининг ажойиб гуллари бутун жаҳонни мафтун этганининг боиси халқ сабаб, унинг чуқур илдизлари халқ оғзаки адабиётидан озиқланиб, халқ ғоялари билан суғорилганлигидир. Бу асарлар чет эл босқинчиларига қарши тил ва дин соҳасидаги руҳий зўравонликка қарши кўтарилган бутун халқ ҳаракатининг руҳи билан озиқланган эдилар. Шунинг учун ҳам бу адабиётнинг гуллаб-яшнаши Ўрта Осиё ва Эрон халқлари араб халифалиги ҳукмронлигидан чиқиб, ўз мустақилликларини қўлга киритган ва ўзларининг марказлашган феодал давлатларини вужудга келтирган даврга тўғри келади.

Бу даврда форсий тилдаги адабиётга асос солган Абу Шукр Балхий, Ибни Восиф Сағзий, Шаҳид Балхий, Абулмуаяд Балхий, Ҳаким Хаббоз Нишопурий, Кисои Марвазий, Абу Мансур Дақикий каби шоирлар яшаб ижод қилди. Улар ижодидаги ёруғликнинг қоронғилик билан кураши, ҳақнинг ноҳақ устидан ғалабаси мотивлари чуқур гуманизм туйғулари ҳаётга чорловчи романтика, оддий инсон юраги нозик пардаларини черта олган лирика неча асарлардан бери кишилар қалбини мафтун этиб келмоқда.

Бу адабиётни тараққий эттиришда фақат ҳозирги тожиклар ва эронликларнинг аждодларигина эмас, ўзбеклар, озарбайжонларнинг ота-боболари ҳам, шунингдек, Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонда яшаб ижод этган шоирларнинг ҳам хиссаси катта.

Дарҳақиқат, ўзлари туркий халқлардан чиққан бўлсалар-да, асарларини форсий тилда ёзган Афзалиддин Ҳоконий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Навоий Фоний, Мирзо Абулқодир Бедил, Зебиннисо ва бошқа кўп шоирларнинг асарлари киши дилига ҳузур бахш этади.

Мазкур номлар форсий тилдаги шеърият даҳолари Абу Абдулло Рўдакий, Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий ва бошқаларнинг асарлари жаҳон адабиёти классиклари сирасидан мустаҳкам жой олди.

Бу даврда наср ҳам аста-секин ривожлана бошлайди. Илмий китоблар, масалан, Ибн Синонинг «Донишнома»си, бадиий китоблар ва арабчадан таржималар пайдо бўлди;

Наср содда ва раван тилда ёзилади, у сунъийликдан узоқ, жумлалар қисқа, шеър у иборалар, мақол ва маталлар деярли ишлатилмайди.

Бу даврда Абу Шукр Балхий, Шаҳид Балхий, Ҳаким Хаббоз Нишопурий, Кисои Марвазий, Абу Мансур Дақикий каби шоирлар янги форсий тилдаги адабиётга асос сола бошладилар. Уларга Рўдакий пешволик қилди.

Бу даврда араб тилининг икки асрлик ҳукмронлиги барҳам топа бошлаган бўлса-да, аммо жуда кўп шоир ва ёзувчилар уни яхши билган икки тилли адиблар эдилар. Араб тили ҳали узоқ вақт иккинчи адабий тил бўлиб хизмат қилиб келди. Шунинг учун ҳам

форсий адабиёт классик жанрларининг шаклланишида араб адабиётининг таъсири кучли бўлди.

Шеъриятнинг асосий шакллари:

Эндигина туғилиб, шаклланиб келаётган форсий ёзма адабиёт шаклларида араб адабиётининг таъсири асосан қуйидагиларда кўринади:

1. Поэзия арузда майдонга кела бошлади. Унда араб арузининг барча рукн ва бахрлари истифода этилмаса-да, аруз қоидалари асосида ёзилган янги вазнлар ва бахрлар қўшилиб, форсий аруз ишлаб чиқилди.

2. Шеър бирлиги сифатида икки мисрадан иборат байт қабул қилинди.

3. Асоси равий ҳисобланган қофия назарияси (таълимоти) қабул қилинди.

4. Араб шеъриятида кенг тарқалган ва бу вақтда етарли ривож топган мадҳ-қасида жанри форсий шеърият заминида ҳам яхши ривожлана бошлади ва феодал сарой адабиётининг асосий жанрига айланди. Унинг акси хажв ва бошқа шакллари тараққий этди. Қасиданинг насиб, гуризгоҳ, мадҳ, талабдан иборат классик тузилиши ҳамда а-а, б-а, в-а тарзидаги тушадиган қофияланиш усули ҳам сақланиб қолди.

5. Ғазал жанри ҳали ўз камолотига етмаган бўлса-да, яхши шакллана бошлади. Халқ қўшиқларидан ёзма адабиётга кириб келган бу шакл, аввало қасидаларнинг насиб қисмида, кейинчалик алоҳида шаклда ривожланди.

6. Халқдан кириб келган рубоий шакли алоҳида жанр даражасига кўтарилди. Маълумотларга кўра, ўзининг минг йиллик тарихида рубоий халқ тароналари ила уйғун ривожланди.

7. Қитъа, фард каби кичик шакллар ва шунингдек, муаммо каби кўпроқ шаклбозликка мойил турдаги шеърлар ҳам майдонга кела бошлади.

8. Маснавий шакли эпик, дидактик ва романтик ва бошқа турдаги поэмаларга доимий шакл бўлиб ривожланди.

9. Мусаммат каби баъзи қадим эрон шеъриятига мос шакллар ривож топди.

10. Араб адабиёти таъсирида наср уч хил шаклни ўзига қабул қилди: орий-яланғоч (яъни ҳеч қандай санъат маъносида), мурассажа-саъж санъатига эга (яъни қофияли наср), муражжаз – (вазнга эга) вазнли наср.

Рўдакий ва унинг замондошлари ижодида мазкур шеър шакллариининг барчасидан намуналар топиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Х аср адабиётининг асосий хусусиятларини белгилаш мумкин:

- насрдан кўра назм кўпроқ ва равонроқ тараққий қилади;

- ёзувчиларга нисбатан шоирлар кўпчиликини ташкил этадилар;

- шоирларнинг ижоди кенг, сифати баланд ва яратилган шеърларнинг миқдори кўп.

Масалан, Рўдакий ижоди 1300000 ёки 1000000 мисра, Фирдавсий ижоди 50 – 60 минг байт;

- адабий услубда соддалик ва равонлик ҳукмронлик қилади;

- бу давр араб тили ҳукмронлигидан қутулиш даври бўлганлиги учун бўлса керак, араб сўзлари жуда кам ишлатилади;

- бадий воситалар орасида содда жумлалар, табиий ташбеҳлар, ҳаётий тавсиф, сифатлашлар кўпроқ учрайди.

- шоирлар ижодида панду-ҳикматлар, илм-маърифатга тарғиб қилиш асосий мавзулардан бирига айланди;

- ахлоқий мавзуларда дostonлар ёзилди Рўдакийнинг «Калила ва Димна»си, Абу Шукр Балхийнинг «Офариннома»си.

Рўдакий форс-тожик шеъриятининг шаклланишида улкан роль ўйнаган лирик ва эпик шоирдир. Уни ҳақли равишда шу адабиётнинг Одам Атоси деб аташади. Зеро, унинг ижодиётида форс-тожик адабиётининг шаклланиши ва мавзу жиҳатидан ўз йўлини белгилаб олганлиги яққол кўринади. Унинг шеърлари юксак маҳорати билангина эмас, зулм ва истибдод авжига минган замонада, ўрта асрчилик зулматида яраклаган бир нур

сифатида ажралиб туради, уларда юксак одабийлик, сўз санъати, халқона соддалик, дохиёна тафаккур, туйғулар тозаллиги бутун таровати билан кишини мафтун қилади.

Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рӯдакий тахминан ҳижрий 243 (860) йил-да Самарқанд яқинидаги Панжрудак кишлоғида, деҳқон оиласида туғилди. Бу даврда Мовароуннахр Эрон, Ҳиндистон, Ҳитой, Миср ва Сурия билан савдо ва маданий алоқаларни яхши йўлга қўйган эди.

X асрда Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Нишопур, Балх, Зарафшон водийсининг юқори қисми ҳунармандчилик, савдо ва маданий марказларга айланган эди. Айниқса, Бухоро шаҳри IX-X асрлардаёқ Шарқнинг энг йирик маданий марказларидан бири бўлган.

Рӯдакий ёшлигиданоқ шеърятга ихлос қўйди, ўз замонасининг машҳур чолғучиси Абул Аббос Бахтиёр қўлида мусикадан маълумот олди. Дастлабки маълумотни ўз кишлоғида олган Рӯдакий ўқиш учун Самарқандга борди. У ерда чуқур билим олиб, тез орада адабиёт ва санъат соҳасида ҳам донг чиқаришга муваффақ бўлди.

Бухоро ҳукмдори Наср II ибн Аҳмад Сомоний (914-943 йилларда ҳукмронлик қилган) даврида Рӯдакийнинг шоирлик шухрати Бухоро ва умуман, Шарққа кенг тарқалди. Рӯдакий асарларига эътибор берилса, унинг астрономия ва қадимги юнон фалсафасини ҳам яхши тушунганлигини қўриш мумкин.

Сомонийлар давлатининг кўзга қўринган давлат арбоби, Наср II ибн Аҳмаднинг яқин дўсти Абуфазл Балъамий Рӯдакий ҳақида «У фақат машҳур шоир бўлибгина қолмай, балки ўз даврининг етук олими ҳам эди», деб баҳо берган.

Наср II ибн Аҳмад Сомоний Рӯдакийни ўз саройига таклиф этгандан сўнг, шоир ҳаётининг кўп қисми Бухорода ўтди. Унинг кўзи ожиз бўлган. Қадимги манбаларда, унинг онадан кўр туғилганлиги ҳақида нақллар бор. Баъзи олимларнинг фикрича, у саройдан қувилиши олдида кўзига мил тортиб кўр қилинган. Рӯдакий қариган чоғида қувғинга учраган, ўз кишлоғига қайтиб, фақирликда умр кечирган. У 941 йилда оламдан кўз юмди ва ўз ватанида дафн этилди. Бу жой халқнинг зиёратгоҳига айланди.

Рӯдакийнинг адабий меросидан бизгача минг байт етиб келган (2 қасида, 50 рубоий, шеърлар, дoston ва бошқалар). Аммо XII аср шоири Рашид Самарқандийнинг таъкидлашича, биронта шоир Рӯдакий сингари кўп асар ёзган эмас. Баъзи олимларнинг фикрича, Рӯдакий бир миллион уч юз минг мисра шеър ёзган. Муҳаммад Авфийнинг хабар беришича, Рӯдакий юзта тўплам (дафтар) ёзган.

Ас-Сомонийнинг «Китоб ул-ансаб» асарида келтирилишича, «Рӯдакийнинг шеърлар тўплами Ажам (араблар яшамайдиган) мамлакатларда машҳур. Айтишларича, Рӯдакий биринчи бўлиб форс тилида шеър ёзган шоирлардандир», дейилган. Шунинг учун ҳам Наср II ибн Аҳмад Сомоний, унинг вазирлари ва ҳарбий бошлиқлари унга қимматбаҳо совғалар берар эдилар. Шу туфайли Рӯдакий катта бойликка эга бўлган. Аммо у бутун диққат-эътиборини шеърятга ва фанга қаратган. Рӯдакий шеърят вазифасини кишилар қалбига таъсир этиш, «сангу-сандон юракларни мум каби юмшатиш» деб билди. Унинг асарларида халқчил ғоялар кучли. Қадимги манбаларда Рӯдакийнинг «Офтоб даврони», «Ароис ан-нафоис» («Нафис куртаклар») ва «Синбоднома» дostonлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Рӯдакийнинг қасидаларидан «Модари ман», «Дар васфи Бухоро» ва «Шикоят аз пири» («Қарилқдан шикоят») бизгача етиб келган. Рӯдакийнинг ижодида X асрнинг ижтимоий ҳаёти ўз аксини топган. Унинг ҳамма асарларида халқнинг орзу-умидлари, манфаатлари ифода қилинган.

Рӯдакийнинг ахлоққа оид асарларида ақл-идрок, ҳуқ-атвор ва билим асосий ўринни эгаллаган. Мутафаккир билимни ҳамма бойликлардан устун қўяди. Унинг айрим насиҳатлари инсоннинг қандай ҳолатда бахтли бўлиш шароитларини аниқлашга ёрдам беради. Рӯдакийнинг фикрича, инсоннинг тўла бахтга эга бўлиши учун тўрт нарса керак: соғлиқ, яхши одоб, яхши ном ва ақл. У инсонларни воқеаларнинг ички моҳиятидан унинг ташқи томонини ажрата билишга чақиради. У яхшилик, саҳийлик ва улуғворликни тарғиб қилади.

Рўдакийнинг табиат гўзалликларини ифода этган асарлари жуда жозибалидир. Унинг асарларида Ватанга, халққа муҳаббат мавзуларигина ёритилмай, кенг фалсафий фикрлар ҳам баён этилган. Масалан, «Қариликдан шикоят» асарида моддалар бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини ҳамда йўқ бўлиб кетмаслигини таъкидлайди.

Буюк мутафаккир кишилар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик кишилик жамияти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, ҳақиқий дўстлик учун кишиларни, ҳатто турли динда бўлишлари ҳам ҳалақит бера олмайди. Унинг куйидаги сатрлари диққатга сазовордир:

**Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.**

Рўдакий ҳаётнинг ўзини биринчи устод ҳисоблайди ва ундан таълим олишга ундайди:

**Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.**

Рўдакий асарларида инсон ақлу заковатига ишонч кучли. Асарларининг тили, бадиий ифода воситалари содда ва тушунарли қилиб ёзилган. У биринчи бўлиб, X асрдаёқ форс мумтоз адабиётига асос солганлиги учун кўпгина Эрон олимлари, жумладан, профессор Саййид Нафисий форс шеърятининг ватанини Мовароуннаҳр, деб ҳисоблайди.

Табиатни, ватанни васф қилиш, ахлоқий панду насихатлар билан асарни безаш кейинги мутафаккирларга Рўдакийдан қолган анъана эди. Жумладан, буюк шоир вафотидан кейин яна 50 йил яшаган машҳур тарихчи Абулфазл Байҳақий (995—1077) унинг ғояларини ўз тарихий асарларида давом эттирди.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. IX-XII асрларда форс-тожик адабиётида қандай буюк шоирлар етишиб чиқди?
2. Улар ўз асарларида қандай инсоний ғояларни илгари сурдилар?
3. Рўдакий ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзланг.
4. Рўдакийнинг адабий мероси ҳақида маълумот беринг.
5. Рўдакий шеърларининг тарбиявий аҳамияти нимада?

3-мавзу: Абулқосим Фирдавсий ва шоҳноманавислик

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга Сомонийлар давридаги ижтимоий ҳаёт ҳақида тушунча бериш;
- ўша даврдаги адиблар ва уларнинг ҳаёти ҳақида билим бериш;
- Абулқосим Фирдавсий ҳаёти ва ижоди ҳақида билим бериш;
- «Шоҳнома» асари, унинг таркибий қисмлари, ғоявий мазмуни ҳақида тушунча бериш;
- Шарқ адабиётидаги шоҳноманавислик тарихи ҳақида талабаларга маълумот бериш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар Сомонийлар давридаги адиблар ҳақида тушунча ҳосил қиладилар;
- Абулқосим Фирдавсий ҳаёти ҳақида талабалар етарлича маълумотга эга бўладилар;
- Абулқосим Фирдавсий ижодининг моҳияти ва мазмунини ўрганадилар;
- шоирнинг «Шоҳнома» асарини ўқиб, ундан юксак бадиий эстетик тарбия оладилар.

Кўргазмали қуруллар:

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари, маърузалар матни, слайдлар

Режа:

1. Фирдавсийнинг ҳаёти ва фаолияти.
2. Шоҳноманавислик тарихи.
3. Фирдавсий «Шоҳнома»си ва унинг яратилиши.
4. Асарнинг ғоявий-бадiiй хусусиятлари.
5. «Шоҳнома»нинг кейинги давр адабиётига таъсири.

Таянч сўз ва иборалар:

Сомонийлар даври.
Абулқосим Фирдавсий
«Шоҳнома»
шоҳноманавислик
ривоят

Фирдавсий 934-940 йилларда Тус шаҳри атрофидаги Бож қишлоғида камбағаллашиб қолган заминдор оиласида туғилади. Шоир ҳақида кўп асарлар ёзилган, лекин унинг ҳаёти ҳақида муфассалроқ маълумотлар кам.

Низомий Арузий Самарқандийнинг «Мақола» асарида, «Қомусул аълам» номли китобда Фирдавсий ҳақида берилган маълумотлар турли афсоналардан нарига ўтмайди. Фирдавсий ҳақида энг кўп тарқалган афсоналардан бирида гўё Маҳмуд Ғазнавий «Ажам тарихи»ни ёзишни сарой шоирларига, хусусан, Унсурийга топширади. Унсурий бу ишнинг уйдасидан чиқа олмайди.

Фирдавсий ўз қишлоғидаги ариқнинг бузилиб кетганлигини кўриб, уни тузатиш учун маблағ топа олмайди. Уларнинг устига амалдорларнинг адолатсиз солиқлари кўпаяди. Булардан арз қилиш учун Ғазна шаҳрига боради ва шоирлар боғига кириб қолади. Боғда сарой шоирларидан Унсурий, Фаррухий ва Асжодийлар суҳбат қилиб ўтиришган эдилар. У оддий деҳқон кийимидаги кишини кўриб: «Бизнинг суҳбатимизга фақат шоирлар қўшила олади, сени ҳам синаб кўрамиз», - дейди. Фирдавсий рози бўлади. Унсурий форс тилида камёб қофиялардан бирида мушоира бошлайди. Фирдавсий тўрт мисра шеър айтади.

*Чун орази ту моҳ набошад равшан
Монанди руҳат гул набвад дар гушан
Мужгонат ҳами гўзал кунад аз жавшан
Монанда сипоҳи Гив дар жангги Пашан.*

Мазмуни:

*Ой ҳам жамолингдек бўломмас равшан
Юзинг руҳидек гул тополмас гушан
Мужгон ўқингда тешилуру жавшан
Гив найзасидек ул кунки жанг қилди Пашан*

Гив Гударз номли шоҳнинг ўғли бўлиб, Пашан Афросиёбнинг ўғли эди. Афсоналарга кўра, Пашан билан бўладиган жангда Гивнинг найзаси Пашан совутини тешиб ўтади.

Шу биргина мисра ҳам Фирдавсий бадiiй маҳоратининг юксаклигини, форс-тожик мифологиясини яхши билганлигини кўрсатади.

Унсурий унга «Шоҳнома» ёзишни таклиф қилади. Фирдавсий рози бўлади. Маҳмуд Ғазнавий ҳар бир мисрасига олтин динор ваъда қилади. Фирдавсий олтинларни олиб қишлоғидаги ариқни тузатишга сарф қилмоқчи бўлади. Фирдавсий «Шоҳнома» ни ёзиб тугатгач, саройга олиб келади. Сарой шоирлари Фирдавсийга ҳасад кўзи билан қараб, Маҳмуд Ғазнавийга «Шоҳнома» ни ёмонлаб кўрсатишади. Маҳмуд Ғазнавий ҳар бир

мисрасига олтин эмас, кумуш танга беради. Маҳмуд Ғазнавий берган кумуш тангаларни Фирдавсий уч қисмга бўлиб, бирини ҳаммом ходимига беради, иккинчисини ўтинчига, учинчисини пулни олиб келган мулозимларга бўлиб беради. Бу Маҳмуд Ғазнавий шаънига ҳақорат эди. Бундан ташқари Фирдавсий Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳажвия ёзади. Шунинг учун ҳам Фирдавсий узоқ юртларда қочиб юришга мажбур бўлади.

Яна бир ривоятда айтилишича, Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонни талаб, ўлжалар билан қайтаётганда, йўлда унга бир қалъа қаршилиқ кўрсатади. Маҳмуд Ғазнавий қалъа хонига мактуб юбориб, тинчлик билан қалъани топширишга чақиради. Маҳмуд Ғазнавий хондан жавоб кутар экан, вазирдан сўрайди.

- Нима жавоб бўлар экан?

Вазир куйидаги байтни ўқийди:

Бўлмаса раъйимга лойиқ жавоб

Мену гурзию майдон Афросиёб

Шоҳ:

Бу кимнинг шеъри? Кишида ботирлик ва жасорат уйғотади.

Бечора Абулқосим Фирдавсийники - жавоб берди вазир.

Шунда Маҳмуд Ғазнавий шоирга нисбатан адолатсизлик қилганини тушуниб, унга аввалги ваъда қилган маблағини юборади. Тус шахрининг биринчи дарвозасидан Маҳмуд Ғазнавий юборган карвон кириб келади. Иккинчи дарвозадан эса шоирнинг тобутини олиб чиқадилар. Баъзи ривоятларга кўра, Фирдавсийнинг қизи бойликни олмай қайтариб юборади. Баъзи ривоятларда эса бойликни қабул қилиб, бир кўприк ва карвонсарой қурдилади.

«Шоҳнома» нинг ўзидаги лирик чекинишлардан аниқ маълумотлар олиш мумкин. Фирдавсий кўп йил ҳарбий хизматда бўлган, аммо у тиришқоқлиги ва илм-фанга бўлган қайноқ муносабати туфайли ўз замонасида ривож топган илмларнинг ҳаммасидан мукамал хабардор бўлган. Бундан ташқари, у араб ва паҳлавий тилларини яхши ўрганган. Ёшлигидан халқ афсоналар ва ривоятларни тўплаган.

Фирдавсийнинг ёшлик даври Сомонийлар давлатининг раванқ топиб бораётган даврига тўғри келади. Сомонийлар арабларга қарши курашда қадимий Эрон тарихидан ғоявий қурол сифатида фойдаланар эди. Шу мақсадда улар шоҳларнинг китоби, яъни «Шоҳнома» яратишга ҳаракат қилганлар. Абул Муайяд Балхий, Абу Али Муҳаммад, Аббос Марвазийлар ҳам «Шоҳнома» яратишган, лекин улар етиб келмаган. Фирдавсий 35-36 ёшларга кирган пайтда ўз даврининг талантили шоирларидан Абу Мансур Дақикий «Шоҳнома» яратишга киришади. Лекин минг байтини ёзиб бўлганда, кули томонидан ўлдирилади. Фирдавсий Дақикийнинг ишини давом эттиришга бел боғлайди.

Тарихий ҳужжатларга қараганда, Дақикий ўз «Шоҳнома» сини Маҳмуд Ғазнавий тахтга ўтирмасдан 20-25 йил илгари ёза бошлаган эди. Фирдавсий Дақикийнинг ўз «Шоҳнома» сини ёзишга киришганлиги, унинг бевақт вафоти ҳақида маълумот берган. Сўнг бу ишни ўз зиммасига олишни ўйлаб юрганда, яқин дўстларидан бири паҳлавий тилида бир китоб ваъда қилиб, бу ишга киришишга даъват этади. У «Шоҳнома» ни 35 йилда ёзиб тугатади. 20 йил кимга тортиқ қилишни билмайди. Чунки ўзаро урушлар, тахт таллашишлар кучайган эди. Шоир асарини Маҳмуд Ғазнавийга бағишлов ёзиб тақдим қилади. Лекин унинг асари муносиб тақдирланмайди. «Шоҳнома» нинг асосий ғояси она - Ватанни жондан севиш, чет эл босқинчиларига қарши курашмоқ учун мамалакат ичида бирлик ва яқдилликни тарғиб қилишдан иборатдир. Асар олтмиш мингга яқин байтдан иборат бўлиб, у жуда катта афсонавий ва тарихий ҳужжатларни қамраб олган. Унда эллик подшоликдан иборат тўрт сулоланинг деярли тўрт минг йиллик тарихи мантиқ ва тартиб билан битилган берилган. Достонни муқаддимадан сўнг, асосан, уч қисмга бўлиш мумкин.

I. Афсонавий қисм

II. Қаҳрамонлик эпоси

III. Тарихий бўлим

Асар қадим замонлардан то араблар келгунигача бўлган бутун Эрон тарихини ўз ичига олади.

Афсонавий қисмда шоир тожик ва эрон халқи ўртасида яшаб келаётган афсоналарни жамлаб, Қаюмарс, Ҳушанг, Жамшид, Кова образларини яратади.

Темирчи Кова яшаган даврда золим ва қонхўр шоҳ Заҳҳок шоҳ бўлган. Уни ўзига бўйсиндириб олган Иблис одамзот тухумини қуритишга қасд қилади. Заҳҳокнинг икки елкасидан ўсиб чиққан илон ҳар куни икки кишининг мия қатиғи билан озиқланар эди.

Аввал мамлакатдаги ёшлар, жумладан, Кованинг 16 ёшли ўғли ҳалок бўлади. Сабркосаси тўлган халқ Кова бошчилигида Заҳҳокни тахтдан ағдаради.

Ҳозирги Эрон адабиётида «Заҳҳок» мустамлакачиларининг лақаби бўлиб қолган. Кова образи халқ вакиллариининг умумлашма образи сифатида берилган.

Шоҳноманинг иккинчи асосий қисми қаҳрамонлик эпосидан иборат бўлиб, бунда бош қаҳрамон Рустам образидир. Бундаги дostonлардан бири «Рустам ва Сухроб»дир.

Рустам Турон чўлларида ов қилиб, овқатланиб, ухлаб қолади. Оти Рахшнинг йўқлигини кўриб, Саманган шаҳрига кириб келади. Шаҳар хони уни яхши кутиб олади. Унинг отини қидиришни одамларга буюради. Шоҳнинг қизи Тахмина Рустамга муҳаббат изҳор қилади. Рустам никоҳ ўқитиб, қизга уйланади. Эрон паҳлавони Рустам ўз юртига қайтаётиб, Тахминанинг қўлига бир гавҳар бериб, фарзандимиз агар қиз бола бўлса сочиға, ўғил бола бўлса қўлига тақиб қўй, дейди. Тахмина ўғил кўради. Ўғлига Сухроб деб исм қўяди. Сухроб 10 ёшида паҳлавон бўлиб етишади. Онасидан отасининг кимлигини сўрайди. Отаси Рустам эканлигини билиб, Турон аскарларини тўплаб, Эронга юриш қилади. Жангда Рустам Сухробни қаттиқ яралайди. Ўғли эканлигини билган Рустам афсус қилади. Сухроб ҳалок бўлади.

Шоҳноманинг учинчи қисми тарихий қисм бўлиб, бунда Зардуштнинг оташпарастлик динининг жорий қилинишидан бошлаб Ўрта Осиё ва Эрон территориясида араблар босиб келгунча бўлган воқеалар ҳайрон қоларли даражада тарихий аниқлик билан тасвирлаб берилади.

Бу бўлимда Сомонийлар даврига тааллуқли кўп воқеалар аниқ таърифлаб берилади. Яна бу бўлимда шахмат ҳақида икки ривоят келтирилади.

1. Шахматни Эрон олимлари Эрон шоҳи Ануширвонга юборади. Бу ўйиннинг қондасини ўйлаб топиши зарур эди. Унинг доно вазири Бузуржмехр ўйин қондасини топади. Сўнг ҳиндларга нарда ўйинини юборганларида, улар бунинг сирини ечолмайдилар.

2. Иккинчи ривоятга кўра, икки шахзода Гив билан Талҳанд тахт талашиб жанг қиладилар. Ҳолдан тойган Талҳанд ташналикдан ва мажолсизликдан ҳалок бўлади. Гив онасининг олдида ўзини оқлаш ва акасининг қонини тўкмаганлигини исботлаш учун олимларга жанг майдонини тасвирлаб, ўйин ихтиро қилишни буюради. Улар шахматни ихтиро қиладилар.

Фирдавсий Тусда вафот этади. Унинг жасадини руҳонийлар мозорга қўйдирмайдилар. Уни отасидан қолган боғнинг бир четига дафн этадилар.

Улуғ адабиётшунос рус олими Н.Г. Чернишевский «Шоҳнома»га юксак баҳо берган эди: «Фирдавсийнинг ажойиб ижоди «Шоҳнома» халқ қўшиқлари йиғиндиси ва уларни қайтадан ишлашдир. Унда шундай гўзал ифодалар борки, ундай гўзал лавҳалар «Иллиада» ва «Одиссея»да ҳам топилмайди».

Чернишевский «Шоҳнома»ни «Иллиада» ва «Одиссея»дан устун қўяди ва бунинг сабаби унинг том маънодаги халқчиллигидандир, деб кўрсатади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» си кейинги давр Шарқ адабиётига катта таъсир кўрсатган асардир.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Сомонийлар даври адабиёти ҳақида маълумот беринг.
2. Сомонийлар даври адабиётида Абулкосим Фирдавсийнинг ўрни қандай?

3. Абулқосим Фирдавсий ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?
4. «Шоҳнома» асари ва унинг таркибӣ қисмлари ҳақида маълумот беринг.
5. «Шоҳнома» таркибидаги энг катта ривоятлар қайсилар?

4-мавзу: XI-XII асрлар форс-тоҷик адабиёти. Носир Хусрав, Умар Хайём

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга Носир Хусрав ҳаёти ва ижоди ҳақида тушунча бериш;
- талабаларга Умар Хайём ҳаёти ва ижоди ҳақида тушунча бериш;
- талабаларнинг Носир Хусрав асарлари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш;
- Умар Хайём рубоӣларини изчил ўрганиш;
- талабаларга Носир Хусрав ва Умар Хайёмнинг форс-тоҷик адабиёти ривожигаги ўрни ҳақида билим бериш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар Носир Хусрав ва Умар Хайём ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот оладилар;
- Носир Хусрав ва Умар Хайём асарлари ҳақида билимга эга бўладилар;
- форс-тоҷик шоирлари асарларини ўқиб улардан улкан эстетик тарбия оладилар.

Кўргазмали қуроллар:

Умар Хайём рубоӣлари, , маърузалар матни

Режа:

1. XI-XII асрдаги форс-тоҷик адабиётининг ўзига хос хусусиятлари
2. Форс-тоҷик тилида ижод қилган ижодкорлар
3. Носир Хусрав ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар
4. Умар Хайёмнинг рубоӣ жанридаги ўрни

Таянч иборалар:

«Саодатнома»
«Рўшноӣнома»
«Зод-ул-мусофирин»
«Ҷоме-ул-ҳикматайн»
«Сафарнома»
«Мушкилот-ул-ҳисоб»

Форс - тоҷик тилидаги адабиёт X-XII асрларда жуда катта муваффақиятларга эришди. Тоҷик, эрон ва Озарбайжон халқларининг Рўдакий, Дакикий, Фирдавсий, Робия Маҳастихоним, Асади Тусий, Фаҳриддин Гургоний, Носир Хусрав, Умар Хайём, Аъмӣк Бухорӣ, Рашидиддин Ватвот, Ҳоқоний Шервоний ва Низомий Ганжавий каби улкан сўз санъаткорлари етишди. Бу ёзувчилардан ҳар бирининг ўзига хос ҳаёт ва ижод йўли, бадиӣ услуби ва адабиӣ хизматлари бор. Бироқ, шунга қарамай, гуманизм, халқпарварлик, маърифатпарварлик мотивлари, халқ оғзаки ижоди манбаларидан ижодий фойдаланиш, муштарак адабиӣ тил ва бошқалар уларнинг ижодини бир-бирига жўр қилади. Шунга кўра ҳам Бухоро, Самарқанд, Термиз, Марв, Хоразм, Нишопур, Балх, Тус, Ғазна, Ганжа ва Шервон каби жойларда яшаб ижод этган бу ёзувчилар бутун Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида шуҳрат қозониб, асарлари кўп халқларга манзур бўлдилар.

X-XII асрдаги илғор адабиёт вакиллари ўз даврининг илғор карашларини қуйладилар ва ривожлантирдилар. Улар инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар, халқни хонавайрон қилувчи ўзаро феодал урушларни қораладилар, йирик ва

марказлашган давлатнинг афзаллигини тарғиб қилдилар, халқлар дўстлигини қуйладилар, хотин-қизларнинг хўрланиши ва камситилишига қарши чиқдилар, инсоф ва адолатга асосланган жамият ҳаётини орзу қилдилар. Жаҳолат ва ризолатга қарши курашиб, олижаноб инсоний фазилатларнинг, илм-маърифатнинг жарчиси бўлдилар. Бу ёзувчиларнинг асарларида халқ оғзаки ижоди материаллари қайта ишланди, халқ қаҳрамонларининг монументал образлари яратилди, бадиий сўз санъатининг янги-янги шакллари ишланди ва такомллаштирилди, адабий тил тараққий эттирилди. Қулни севгани учун акаси томонидан ҳаммомга қамаб ўлдирилган, лекин ўлими олдидан ҳам севгилисини унутмай бармоқ қони билан ҳаммом деворига шеърлар битган Робиа (Х аср) ва бошқа шоиралар асарларида феодал муҳитга қарши исёнкор овозлари янгради.

Робиа ижодини ўрганиш шундан гувоҳлик берадики, сомонийлар даврида хотин-қизлардан ҳам форсий тилда ижод шоиралар етишиб чиққан, аммо кўпларининг номини билмаймиз, асарлари бизгача етиб келмаган.

Носир Хусрав. Буюк тожик шоири ва мутафаккири Носир Хусрав 1004 йилда Қабодиёнда мулкдор оиласида туғилди. Дастлабки маълумотини Қабодиёнда олди, Балхда ўқишини давом эттириб, адабиёт, тарих, фалсафа ва бошқа илмлар билан шуғулланди. Балхда, кейин эса Марвда девон амалдори бўлиб хизмат қилди. Олиқ-солиқ ишлари билан шуғулланган Носир Хусрав меҳнаткаш табақаларнинг оғир аҳволи билан яқиндан танишиб, уларга ачинди, салжукий ҳукмдорларни танқид қилиб шеърлар ёзди, адолат ва ҳақиқат излади. Дастлаб Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга қисқа муддатга сафар қилган Носир Хусрав 1045 йилда катта сафарга жўнайди, 7 йил давомида Сурия, Фаластин, Миср, Ҳижоз ва бошқа мамлакатларда бўлади. Бу сафарига қадар ҳам қисман исмоилийлар ҳаракатига мойил бўлган Носир Хусрав сафардан кейин бу ҳаракатнинг фаол тарғиботчисига айланди. Носир Хусрав исмоилийлар ҳаракатининг туб моҳиятини етарли даражада тушунолмади, унинг кўпроқ расман давом этиб келаётган радикал томонларига (меҳнаткаш халққа берган ваъдаларига) ортиқча баҳо берди. Бу унинг дунёқараши ва фаолиятидаги зиддиятларни ниҳоятда чуқурлаштириб юборди. Балх, Мозандарон, Нишопур, Сейистон, Ҳутталён (Ҳатлон) ва бошқа жойларда исмоилийлар ҳаракатини тарғиб қилган Носир Хусрав ҳукмрон доиранинг қаттиқ таъқибига йўлиқди. У умрининг сўнгги 15-20 йилини бирмунча осойиштароқ бўлган Тоғли Бадахшонда - Юмгонда ўтказиб, ижодий иш билан шуғулланди. У 481 (1088-80) йилда ўша ерда вафот этди.

Носир Хусравнинг ижодий мероси унинг ҳаёти ва фаолияти каби жуда мураккабдир. Носир Хусрав бир қатор бадиий, илмий, фалсафий, ахлокий-таълимий ва диний асарларнинг муаллифидир. У форс-тожик ва араб тилларида икки девон яратган. Бироқ унинг араб тилидаги девони сақланиб қолмаган (ёки бизга номаълум бўлиб келмоқда). Форс-тожик тилидаги девони фалсафий қасида, ғазал, қитъа, рубоий ва бошқа жанрлардаги шеърлардан иборат бўлиб, унда шоир ишқий-интим кечинмаларни тасвирлаш билан бирга, кўпроқ фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлокий-таълимий масалаларга эътибор берди. У «Саодатнома» ва «Рўшноинома» («Маърифат китоби») асарларида бу масалаларни янада ривожлантирди.

«Саодатнома» 30 бобдан иборат бўлиб, бу боблар турли ижтимоий табақаларнинг таснифи ва таърифига, ахлоқ-одоб масалаларига бағишланган. Шоир меҳнаткаш табақаларни улуғлайди, уларга жамиятнинг моддий бойликларини яратувчи кишилар деб қарайди ва уларнинг маънавий фазилатларини мактайди. У айниқса деҳқонларга, қосиб-хунармандларга юқори баҳо беради. Золим подшо ва амалдорларни, товламачи ва судхўр зодагонларни эса шоир шафқатсиз танқид қилади, уларни зўравонлик, мутакаббирлик, адолатсизлик, фирибгарлик ва мунофиқликда айблаб, илон-чаёнлар, девлар деб атади. «Саодатнома» муаллифи кишиларни яхши хислатларни эгаллашга, ёмонлардан ва ёмонликдан ҳазар қилишга чақиради, ажойиб ҳикматли сўзлар яратади.

32 бобдан ташкил топган «Рўшноинома» ўз мавзу доираси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари билан «Саодатнома»га жуда ўхшаш бўлиб, шоир бу асарида кўпроқ ахлокий-таълимий ва фалсафий масалалар устида мулоҳаза юритади. У дунёни бир

дарахтга, инсонни унинг мевасига ўхшатиб, бу мева илм-билим ва яхши ҳуқ-одоб билан кўркам ва лаззатли бўлади, дейди. Носир Хусрав сўз санъатининг поклиги ва ҳалоллигини ҳимоя қилиб, маддоҳ сарой шоирларига қарши қаттиқ кураш олиб боради. Унинг «Дар мазаммати шуаро» («Шоирлар мазамматида») шеъри шу курашнинг ёрқин ифодасидир.

Носир Хусрав «Сафарнома» асарида 7 йиллик сафар хотираларини сўзлайди, турли ўлка ва халқларнинг ҳаёти, урф-одати, маънавий бойликлари, жойларнинг об-ҳавоси, географияси ҳақида маълумот беради. «Сафарнома» тарихий-илмий аҳамиятга эга бўлган асар бўлиши билан бирга XI аср тожик насрининг нодир бир ёдгорлиги ҳамдир.

Носир Хусрав «Зод-ул-мусофирин» («Йўловчиларнинг озуқаси»), «Важҳи дин», («Диний далиллар»), «Жоме-ул-ҳикматайн» («Икки ҳикматнинг жами») каби фалсафий ва диний асарлар яратди. Бу асарларида у коинот, инсон ва унинг тафаккури, ўтмиш файласуфларнинг фикр-қарашлари, исмоилийларнинг фалсафий ва диний ақидалари ҳақида сўзлайди.

Носир Хусравнинг фаолияти ва ижодиётидаги зиддиятлар у яшаган муҳит қарама-қаршиликларининг ифодасидир. Носир Хусрав исмоилийлар ҳаракатини тарғиб этган, мистика майлларига берилган киши сифатида эмас, балки феодал ўрта асрининг илғор мутафаккири, гўзал лирик шеърларнинг, «Саодатнома», «Рўшноинома», «Сафарнома» китобларининг ва илмий асарларнинг муаллифи сифатида машҳурдир.

Умар Хайём. Умар Хайём улуғ олим, мутафаккир ва шоирдир. Гиёсиддин Абдулфатҳ Умар Хайём 1040 йилда Нишопур шаҳри (ёки музофоти)да туғилди. Отаси Иброҳим хаймадўз (чодирдўз) бўлгани учун у Умар Хайём номи билан шухрат топган.

Умар Хайём 20 ёшларидаёқ биринчи илмий асари - «Мушкilot-ул-ҳисоб» («Математика шакллари») билан машҳур бўлган эди. Хайём илмий фаолиятини Бухорода, кейин эса Исфаҳонда давом эттирди, Исфаҳон обсерваториясига раҳбарлик қилди ва 1079 йилда кашф этилган энг аниқ йил календарининг муаллифларидан бири бўлди. У астрономия, фалсафа, математика, музика ва бошқа соҳалар бўйича қимматли асарлар яратди. Низомулмулк ўлдирилгандан кейин реакция янада кучаяди, олимлар, санъаткорлар таъқиб қилинади. Ҳаёти хавф остида қолган Умар Хайём ҳаж баҳонаси билан мамлакатдан чиқиб кетади; сафардан қайтиб, умрининг сўнгги 20-25 йилини Нишопурда ўтказди, моддий муҳтожликда, таъқиб ва таҳдид остида яшайди. Умар Хайём 1123 йилда Нишопурда вафот этади.

Умар Хайём истеъдодли шоир, рубоий жанрининг забардаст устозидир. Хайёмнинг адабий фаолияти унинг илмий фаолиятига жўр ва ҳамоҳангдир. Шоир рубоийлари билан даврининг атоқли гуманисти ва маърифатпарвари сифатида гавдаланади. У инсон ва ҳаётни шарафлайди, таркидунёчилик ва бадбинликка қарши курашади. Хайём дунёнинг моддийлиги, материянинг бир шаклдан иккинчи бир шаклга ўтиб боришини эътироф қилади. Туғилмоқ ва ўлмоқни, эскирмоқ ва янгиланмоқни табиат қонуни деб ҳисоблайди.

Умар Хайём Нишопурда, Балх, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўқиб улғаяди ва ўз замонасининг баркамол олимларидан бўлиб етишади. Ривоятларга қараганда, салжукийларнинг улуғ вазири Низомулмулк унга Нишопур ҳокимлигини таклиф этади. Аммо Хайём бунга: «Мен одамлар устидан ҳукмронлик қилолмайман» деган мазмунда жавоб беради. Хайёмнинг бир рубоийси ҳам шу мазмунда:

*Кимники бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша ўй-ошиёни,
На биров унга қул, на у бировга,
Айт, шод яшайверсин, хушдир замони.*

Нихоят, Хайём Исфаҳон расадхонасига бошчилик қилишга рози бўлади. У 1074 йилдан бошлаб бу расадхона ишларига раҳбарлик қилиб математика ва астрономия соҳасида катта илмий тадқиқотлар олиб боради. Унинг математика, астрономия ва фалсафага оид бир қатор китоблари бизгача етиб келган. Олимнинг бу илмлар соҳасида

қилган қатор кашфиётлари фан тарихида катта роль ўйнаган. Масалан, 1077 йилда у юнон олими Эвклид китобидан бир неча геометрик шаклларни шарҳлаб ёзган асарида бутун сонларнинг илдизини топиш йўллари кўрсатиб берган.

Хайём бир неча асарида улўғ олим Абу Али ибн Сино фикрларини тарғиб этади. Унинг бир қатор китобларини арабчадан форс тилига таржима қилади ва шарҳлаб беради. Хайём ўзининг «Рисолат-ул-кавн ва т-таклиф» («Қоинот ва унинг вазифалари») номли китобида Абу Али ибн Синони ўзининг устози деб билади. Хайём бундан ташқари «Рисола фи-л-вужудз» («Борлиқ ҳақида рисола»), «Рисола фи куллиёти вужуд» («Борлиқ умумийлиги ҳақида рисола») каби бир неча фалсафий асарлар ёзадики, унда муаллиф Ибн Синонинг содиқ шогирди сифатида унинг фикрларини давом эттиради.

Дунё фалсафаси билан шуғулланиш, мавжудотнинг сирини излаш билан бирга, Хайём бир қанча олимларга раҳбарлик қилиб, беш йил каттиқ текширишлар олиб боргандан кейин 1079 йилда янги ислоҳ қилинган календарь таклиф қилган. Бу календарь Европада ундан беш юз йил кейинроқ қабул қилинган ва ҳозирги кунгача амалда қўлланилаётган Григориан календаридан ҳам аниқроқ бўлган.

Хайём ҳаётига тааллуқли бир шикоятда Хайём образи зўр олим, шу билан бирга, турли ҳаётий воқеаларга жуда ҳозиржавоб шоиртабиат киши сифатида чизилади. Ҳикоя қилинишича, бир куни Хайём 3-4 улфати билан боғда май ичиб ўтирган экан, тўсатдан турган шамол май солинган кўзани ағдариб юборибди, шунда Хайём худога қараб:

***Кўзамни синдириб, иргитдинг, тангри,
Хуррамлик эшигин беркитдинг, тангри.
Тупроққа тўкдингку гулгун майимни,
Билмадим мастмисан, на этдинг, тангри!***

дебди. Бу сўзлардан ғазабланган тангри Хайёмнинг юзини қорайтириб қўйган эмиш. Ўртоқларидан буни эшитган шоир дарҳол иккинчи бир рубоийни уқибди:

***Ахир, бу оламда бегуноҳ ким бор?!
Нечук яшай олди бўлмай гуноҳкор?!
Ёмонлик қайтарсанг ёмонлигимга,
Фарқимиз не бўлди, айт, парвардигор!***

Бу сўзларни эшитиб, ўз қилмишидан уялган тангри унинг юзини аслига қайтарган эмиш...

Хайём ҳаётининг охириги йиллари, айниқса, оғир бўлган, у Нишопурга қайтиб келиб, фақирликда умр кечирган бўлса-да, илмий ишларини давом эттирган. Улўғ олим бу даврда ҳам математика, астрономия ва фалсафадан бир қанча асарлар ёзади. Ундан ташқари, ўз атрофига содиқ шогирдлар йиғиб, маърузалар ўқийди, бир гуруҳ олимларни тарбиялаб етиштиради.

Ажойиб илмий асарлар ёзиб қолдирган буюк олим 1123 йилда Нишопурда вафот этади, Аммо Умар Хайём ўзининг жаҳоншумул илмий асарлари билан эмас, нодир поэтик асарлари - рубоийети билан оламга машҳур бўлди.

У ўз рубоийларида ҳам, илмий-фалсафий китобларида бўлганидек, олам сирлари, ҳаёт ҳақиқатини излайди, бу борадаги фикру ўйларини ажойиб шеърӣ образларга ўраб, мўъжизакор тўртликларда ифодалаб беради.

Тўртгина мисра шеърға забардаст фалсафӣ фикрларни сиғдира олишига қарамай, Хайёмнинг услуби - доҳиёна содда, ўхшатишлари ниҳоятда табиӣ, ҳаммага осонгина етиб борадиган услуб. Шунинг учун ҳам унинг оҳангдор шеърлари жаҳон адабиётининг бой хазинасида энг яхши гавҳар доналаридандир.

Унинг рубоийлари деярли ҳамма жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган ва қилинмоқда. Бундан ташқари, жуда кўп сўз санъаткорлари Хайём рубоийларини ўз

асарларига киритадилар, минглаб кишилар бу рубойларни ёддан ўқиб юрадилар, Хайём китобларини бир-бирларига совға қиладилар. Мана, яна бир мисол: 1942 йил Ленинград қамалининг энг даҳшатли ва оғир кунлари. Ватан ҳимоячилари орасида тўрт мисрадангина иборат бўлган ажойиб шеърлар қоғоздан-қоғозга, оғиздан-оғизга ўта бошлади. Бу тўп садоларидек, бир нафас билан ўқиладиган қисқа, аммо вазмин шеърлар юракда чуқур из қолдирар, кишиларни оғир курашлардан иборат бўлса-да, инсонга энг маҳбуб нарсани - мана шу реал ҳаётни севишга, керак бўлса, шу ғоя учун ўлимга тик боришга чорлар эди. Бу тўртликларни ленинградлик марҳум шоир Сергей Хмельницкий Хайём рубойларидан таржима қилиб келар, жангчиларга ўқиб берар эди. Шундай қилиб, Ленинград мудофаачилари сафида Умар Хайём ҳам бор эди.

Шуниси қизиқарлики, буюк кашфиётчи олим Умар Хайём ҳеч вақт шоирликни ўзига касб қилиб олмаган, рубойларни эса ўзи қўнғил таскини учун ёзган ва ҳеч кимга ўқиб ҳам бермаган. Унинг рубойлари турли илмий китоблари ҳошиясига битилган ёки ён дафтаридан топилган. XIX асрнинг иккинчи ярмигача уни жаҳон классиклари қаторига киритмаган ҳам эдилар. Фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидагина инглиз шоири Геральд Фицджеральд унинг рубойларидан бир қисмини эркин таржима қилиб, нашр эттиради. Бу кичкинагина китобча чиқиши биланок, рубойлардаги фалсафий теранлик ва ҳаётийлик ғарб ва шарқ китобхонлари дилини овлади.

Умар Хайём рубойлари ўз бадиий шакли билан ҳам мароқлидир. Шоир лириканинг кичик ҳажмли жанри бўлган рубойда ўзининг хилма-хил фикр-мулоҳазалари ва хулосаларини баён эта олди, ранг-баранг образлар яратди, бадиий тил воситаларидан, интонация ва аллитерациялардан усталик билан фойдаланди.

Умар Хайём узоқ замонлардан бери ўзбек халқининг ҳам севиқли шоири бўлиб келмоқда.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Носир Хусрав ҳақида нималарни биласиз?
2. Умар Хайём таржимаи ҳоли ҳақида сўзланг.
3. Умар Хайём рубойларидан ёд айтинг.
4. Носир Хусравнинг қандай асарларини биласиз?

5-мавзу. Низомий Ганжавий ҳаёти ва фаолияти.

Маърузанинг мақсади:

- талабаларни Низомий Ганжавий ҳаёти ва фаолияти билан таништириш;
- Низомий Ганжавий ижоди ҳақида тушунча бериш;
- шоир девонлари ҳақида маълумот бериш;
- Низомий Ганжавий «Хамса»си ҳақида билим ва тасаввурларни кенгайтириш;
- Низомий Ганжавий асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятларини тушунтириш;
- Низомий Ганжавий ижодининг умуминсоний аҳамиятини таъкидлаш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар Низомий Ганжавий ҳаёти ва ижоди ҳақида билимга эга бўладилар;
- адиб асарларини яқиндан ўрганадилар;
- асарларини ўқиб, бадиий-эстетик тарбия оладилар.

Кўргазмали қуроллар:

Низомий Ганжавий асарлари, илмий-назарий адабиётлар, маърузалар матни

Режа:

1. Низомий Ганжавий ҳаёти ва фаолияти
2. Шоирнинг адабий мероси

3. Шоир лирикаси
4. «Панж ганж» - «Хамса»нинг яратилиши ва унинг таркиби
5. Шоирнинг бадиий маҳорати

Таянч сўз ва иборалар:

«Панж Ганж»
«Махзанул асрор»
«Хусрав ва Ширин»
«Лайли ва Мажнун»
«Хафт пайкар»
«Искандарнома»

Илӛс Юсуф ўғли Низомий Ганжавий 1141 йилда Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида (ҳозирги Кировобод шаҳри яқинида) туғилди. Низомий шоирнинг таҳаллуси бўлиб, «Низом» сўзидан олинган. «Низом» сўзи тартиб тузум, шеър тузиш, марварид шодаси ва бошқа маъноларни ифодалайди. Шоир ўз таҳаллусига бу сўзнинг шеърят - шеър тузиш маъносини асос қилиб олган бўлиши керак. Ганжавий унинг туғилган шаҳридан олинган бўлиб таҳаллусига бир иловадир. Низомийлар оиласининг қайси ижтимоий табақага мансублиги ҳақида бирор аниқ маълумот йўқ. Бироқ шоирнинг ўз асарлари асосида у туғилган оила шаҳарнинг ўртаҳол табақаларидан бўлган деб фараз қилиш мумкин.

Низомийнинг қаерда, қайси ўқув юртида ва қачон ўқигани ҳақида ҳам аниқ маълумот йўқ. Достонлардаги лирик парчалар унинг деярли доимо Ганжада яшагани ўша ерда муқим бўлгани ва ҳатто сафар қилиш орзуларига муяссар бўлолмай шикоят қилганини кўрсатади. Шулар асосида Низомий Ганжада ўқиган, ўша ерда таълим олган, деган хулосага келиш мумкин. IX асрнинг ўрталарида бино бўлган Ганжа XI-XII асрларда Озарбайжоннинг йирик сиёсий-иқтисодий ва маданий шаҳарларидан бири эди. Озарбайжон Аррон, Ширвон, Дарбанд, Қорабоғ ва Мароғо каби ўзаро адоватда бўлган феодал давлатларидан ташкил топган эди. Ганжа Арроннинг пойтахти эди. XI асрнинг 60-йилларида салжуқийлардан енгилган Аррон ҳукумронлари-шаддодийлар салжуқийларга вассал бўлиб қоладилар.

Кўп ўтмай султон Маликшоҳ салжуқий шаддодийлар ҳокимиятини тамомила бекор қилади, Жанубий Озарбайжонни ва Арронни ўз ўғли Муҳаммадга беради. Муҳаммад Ганжани ўз ҳокимиятининг пойтахти қилиб олади. 1092 йилда султон Маликшоҳ ва унинг вазири Низомулмулк ўлгандан кейин салжуқий ҳукмронлар ўртасидаги тож-тахт таллашишлари ниҳоятда кескинлашди. Ўлка ва вилоятлар кўп талофат кўрди салжуқийларнинг уруш-юрушлари ва ички феодал ихтилофлар Озарбайжоннинг эканомикаси ва маданиятига ҳам катта талофат келтиради. Бунинг устига 1139-1140-йилларида бўлган зилзилада Ганжанинг юз мингдан зиёд аҳолиси ҳалок бўлади. Меҳнатсевар ва ижодкор озарбайжон халқи феодал ўзаро урушлари ва табиий офат билан шикастланган эканомикаси ва маданиятини тиклаб, янги-янги муваффақиятларга эришади.

Илм-фанни севган ва уни қадрлаган Низомий бадиий адабиётга янада кўпроқ ҳавас ва иштиёқ қўйган эди. У халқ ижодини, ёзма адабиётни, Рўдакий, Фирдавсий каби улуг санъаткорларнинг, ўз замондошларининг асарларини қунт билан ўрганади, улардан илҳом олади ва таълим олади.

Шоир ҳаёти давомида моддий муҳтожлик машаққатларига дуч келди. Унинг оилавий ҳаёти ҳам аламли, мусибатли бўлди. Дарбанд ҳокими Низомийга Офок деган чўри қизни тортиқ қилган эди. Низомий феодал аристократик тушунча ва одатларга қарши борди, камситилган чўри қизни самимият билан севди ва унга уйланди. Бироқ шоирнинг бахтли оилавий ҳаёти узоқ давом этмади. Офок 1180 йилда вафот этди. Ундан Муҳаммад деган ўғил қолди. Севикли ҳаёт йўлдошининг вафоти шоирни қаттиқ қайғуртирди. У

бутун умр Офокни унутолмади. Низомий Офокдан кейин икки марта уйланди. Бирок Офокдан кейинги хотини 1188 йилда ва сўнггиси 1200 йилда вафот этди.

Улуғ шоир ва мутафаккир Низомий 1209 йилда вафот этди.

Адабий мероси

Низомий улуғ лирик ва эпик шоирдир. У ўзининг ижодини лирик шеърлар билан бошлади ва бутун умри давомида шу турда янги янги асарлар яратди, катта лирик девон тузди. Бирок, афсуски, бу девоннинг мукамал ва мўътабар нусхалари сақланиб қолмаган. Низомий санъаткорлик маҳорати билан лирик шеърларида гуманизм ва маърифатпарварликни, самимий севгини куйлайди, зулм-зўрликни, жоҳилликни танқид қилади, хурофот ва бадбинлик устидан заҳарханда кулади.

«Панж Ганж» - «Хамса»

Лирик шеърлари билан шуҳрат қозонган шоир 30 йил давомида кўпроқ эпик поэзия билан шуғулланди. У жами беш дoston ёзиб қолдирди: «Маҳзанул асрор» («Сирлар хазинаси»), «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Хафт пайкар» («Етти гўзал») ва «Искандарнома». Шоирнинг вафотидан кейин бу дostonлар бир китоб қилиб жам этилади ва «Панж Ганж» (Беш хазина), «Хамса» («Бешлик») номи билан шуҳрат қозонди.

«Маҳзанул асрор»

1170 йилнинг бошларида Низомий Кичик Осиёдаги Эрзинжон ҳокими Фаҳриддин Баҳромшоҳ ибн Довудга атаб «Маҳзанул асрор» дostonини ёзди. Дoston кенг шуҳрат қозонди. Бу дoston фалсафий, таълимий асардир.

«Маҳзанул асрор» муқаддима, 20 мақола (боб) ва кичик хотимадан ташкил топган. Дostonнинг муқаддимасини шартли равишда иккига: традицион қисм ва «сўз бошига» ажратиш мумкин. Традицион қисмда шоир ўз даврининг одатига мувофиқ худо ва пайғамбар ҳақида сўзлайди, ислом дини ақидаларини баён этади ҳамда Эрзинжон ҳокими Фаҳриддин Баҳромшоҳни мадҳ этади. –Сўз бошида эса у ўз асарининг аҳамияти ва фазилати, сўз ва унинг қиммати, назм ва наср ҳақида сўз юритади.

«Маҳзанул асрор» Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида фалсафий-таълимий дostonнинг янги ва ажойиб намунаси бўлди.

«Хусрав ва Ширин»

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган ва қайта ишланган «Хусрав ва Ширин» (Навоийда «Фарҳод ва Ширин») маълум тарихий илдизга эгадир.

«Маҳзанул асрор»да ўз фалсафий, таълимий қарашларини панд насиҳат ва ҳикматли сўзлар тарзида баён этган Низомий «Хусрав ва Ширин»да мавзу образларнинг саргузашти орқали ёритади. У образларнинг аҳамиятини бевосита ҳаётий масалалар билан боғлайди. Шу жиҳатдан қараганда Низомий яратган Ширин, Хусрав ва Фарҳод қабила фақат Озарбайжон адабиётидагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида ҳам янги ва йирик адабий ҳодиса бўлган эди.

«Хусрав ва Ширин» дostonини Низомий ҳазаж баҳрида (мафоилўн мафоилўн фаулўн) ёзган.

«Лайли ва Мажнун»

«Лайли ва Мажнун» жаҳон адабиётида энг мунгли ва аламли севги қиссаларидан биридир. У Шарқ ўлкаларида шу даражада кенг тарқалган ва шуҳрат қозонганки, шу жиҳатдан қараганда ҳатто ғарб адабиётининг энг ажойиб ёдгорликларида бўлган «Ромео ва Жульетта» ҳам у билан тенглаша олмайди, деган эди И.Ю.Крачковский.

«Лайли ва Мажнун» узоқ тарих ва тадрижий такомилга эга. У қадимги араб қабилаларида вужудга келди, Эрон, Ўрта Осиё, Кавказ, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларга тарқалди халқ оғзаки ижодидан ва ёзма адабиётдан кенг ўрин олди, қайта-қайта ишланди Низомий Хусрав Деҳлавий, Навоий ва Фузулий каби буюк сўз

санъаткорларининг қалами билан янада кенгроқ шуҳрат қозониб, жаҳон адабиётининг ўлмас обидаларидан бири бўлиб қолди.

Низомий «Лайли ва Мажнун» достонини ҳазаж баҳрида (мафойилун мафойилун фаулун) ёзди.

«Ҳафт пайкар»

«Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») ўз композицион тузилиши билан Низомийнинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади. У халқ эртаклари каби «ҳикоя ичида ҳикоя» усулида яратилган. «Ҳафт пайкар» Баҳром ҳақидаги қолипловчи ҳикояни ва унинг композициясига кирган етти гўзал ҳикоясини ҳамда етти маҳбуснинг саргузаштини ўз ичига олади. Достон Баҳромнинг фожеали ҳалокати билан тугайди.

«Искандарнома»

«Искандарнома» Низомий Ганжавийнинг охирги бешинчи достонидир. Низомий бу достонда ижтимоий, сиёсий ва фалсафий қарашларини якунлаш ҳамда адолатли ва маърифатпарвар подшонинг мукаммал образини яратиш вазифасини ўз олдига қўяди. Бу вазифани амалга оширишда у бир неча асрлар давомида кўпгина халқларда, жумладан, Кавказ халқларида анъанавий бадиий образ бўлиб келаётган Искандар образини танлаш ва бу образни мукаммал бир эпик образ даражасига кўтариб, ўз орзу-армонларини унинг фаолияти ва идеалларида мужассамлаштиришни мувофиқ кўради.

«Искандарнома» икки жилддан «Шарафнома», «Иқболнома»дан иборат. Шоир «Шарафнома»да Искандарнинг Миср, Эрон, Озарбайжон, Хуросон, Ҳиндистонга юришларини ҳикоя қилса, «Иқболнома»да унинг давлатни бошқариш усули, олимлар билан суҳбати ва ниҳоят Искандарнинг ажойиб ўлкаларга саёҳатини баён этади.

Низомий бу достонини қаҳрамонлик эпосининг традицион баҳри мутақориб баҳрида (фаулун фаулун фаул) яратди.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Низомий Ганжавий таржимаи ҳоли ҳақида сўзлаб беринг.
2. Низомий Ганжавий ўз даври адабиёти ривожига қандай ҳисса қўшди?
3. Низомий Ганжавий асарларига тавсиф беринг.
4. Низомий Ганжавий «Ҳамса»си таркибидаги достонлар ҳақида сўзланг.

6-мавзу: XIII-XIV асрлар форс-тожик адабиёти.

Саъдий Шерозий

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга Саъдий Шерозийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш;
- «Бўстон» асари ва унинг ғоявий мазмуни билан таништириш;
- «Гулистон» асари ва унинг ғоявий мазмуни билан таништириш;
- Шоир асарларидаги ҳикоятлар ва уларнинг ахлоқий-таълимий аҳамиятини талабаларга тушунтириш;
- Саъдий Шерозийнинг форс-тожик адабиёти ривожигаги ўрнини белгилаш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар Саъдий Шерозий ҳаёти ва ижоди ҳақида етарли билимга эга бўладилар;
- Саъдий Шерозий ижодининг моҳияти ва мазмунини ўрганадилар;
- «Бўстон» ва «Гулистон» асарларининг тарбиявий аҳамиятини англайдилар;
- асарларни ўқиб, бадиий, эстетик тарбия оладилар.

Кўргазмали қуроллар:

Саъдий Шерозий асарлари, маърузалар матни,

Режа:

1. XIII-XIV асрлар – форс-тожик адабиёти тарихида алоҳида босқич
2. Саъдий Шерозийнинг ҳаёти ва фаолияти
3. Шоирнинг адабий мероси
4. Саъдийнинг ғазал жанри ривожига хизматлари
5. «Гулистон» асари ва унинг ғоявий-бадiiй хусусиятлари
6. «Бўстон» асари ва унинг таълим-тарбиявий аҳамияти

Таянч иборалар:

Саъдий Шерозий
Саъдий «Куллиёт»и
«Бўстон»
«Гулистон»
маснавийлар
«Мустансирия»
«Сахле мумтанъ»

XIII-XIV асрлар форс-тожик адабиёти тарихида алоҳида босқични ташкил этади. Бу даврда кўплаб талантли форс-тожик шоирлари яшаб ижод этди. Уларнинг ғоявий-бадiiй жиҳатдан юксак асарлари форс-тожик адабиётининг ривожига улкан таъсир кўрсатди. Ғазалчилик ўзининг юксак чўққисига кўтарилди, дидактик асарлар яратилди, ҳамсанавислик анъанаси давом эттирилди. Шунингдек, шоирларнинг бадiiй маҳорати юксалди.

Саъдий Шерозий форс-тожик адабиётининг шу даврда етишиб чиққан йирик вакилларидан биридир. Манбаларда унинг вафот этган йили 691 (1292) йил деб кўрсатилган. Рустам Алиев шоирнинг туғилган йилини асарларидаги маълумотларга асосланиб, 1203-1208 йиллар орасида туғилган дейди. Унинг тўла исми Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушриф ибн Муслиҳ ибн Мушриф Саъдий Шерозийдир. Унинг отаси Мушриф Шерозий ўртамеъна руҳонийлардан бўлиб, Шероз ҳокими Отабек саройида хизмат қилади.

Отасидан 10-11 ёшларида етим қолади. У Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида таҳсил олади. У нима учундир Бағдоднинг бошқа мадрасаси «Мустансирия»га ўтиб илм олишни маъқул кўради ва шу ерда давом эттиради.

Бу ерда ислом динининг асослари, Қуръон ва пайғамбар ҳадислари ҳамда уларга изоҳлар ўқитилар эди. Бундан ташқари, Саъдий мадрасада тиб, ҳисоб илмларини, араб тили, Шарқ фалсафаси, араб ва форс адабиёти, тарих ва мантиқ, табиат ва фалакиёт каби илмларни ўрганди.

«Гулистон»даги ҳикоятлари бўйича бир аёлга уйланган. Хотини ёмон хулқли, тили узун хотин бўлган. У уйдан бош олиб кетган. 50 ёшларгача умри сафарда ўтган.

XIII аср ўрталарида Шерозга қайтиб, шаҳарнинг чеккасида жойлашган шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф хонақосида фақирона умр кечиради.

Саъдий шеър ёзишни жуда ёш чоғидан бошлаган хилма-хил жанрларда ёзилган жуда кўп асарларнинг муаллифидир. Унинг «Куллиёт»и жанрлар бўйича 19 бўлимдан иборат бўлиб, унда насрий ва шеърый асарлар тўплангандир. «Куллиёт» шоирнинг вафотидан 37 йил кейин Аҳмад бинни Абубакр Бесутун деган киши томонидан жамланган. «Куллиёт» бошланишида тўпловчи буни кўпчиликнинг талабига биноан бажарганлигини қайд қилади. Бу иш 720 ҳижрий йилда, яъни Саъдий вафотидан сўнг 30 йилга яқин вақт ўтгандан кейингина амалга оширилди. Аммо жуда кўп асарларни ўз ичига олган бу тўпламдан бирор ғазалнинг матлаини билмай туриб, девондан қидириб топиш қийин бўлган, буни назарда тутиб Бесутун орадан 7-8 йил ўтгач «Куллиёт»ни яна бошқатдан тузиб, ундаги ғазал ва бошқа майда шеърларнинг радифи ёки қофиясига қараб алфавит тартибида жойлаштириб чиққан.

Шеърнинг радифи ва қофиясига қараб алфавит тартибида девон тузиш Шарқда шундан сўнг одат тусига кириб кетган бўлса керак.

Унинг асарлари тўплами «Куллиёт»ида форс адабиётига мансуб ҳамма жанрларда ёзилган асарлар тўпланган.

«Куллиёт» куйидаги қисмдан иборат:

1. «Шаш рисола» (олти рисола)
2. «Гулистон»
3. «Бўстон»
4. Қасидаи арабий (арабий қасидалар)
5. Қасидаи форсий (форсий қасидалар)
6. Ғазалиёти қадим (Қадим ғазаллар девони)
7. Таййибот (Латиф ғазаллар девони)
8. Бадоеъ (Бадиий ғазаллар девони)
9. Хавотим (Хотима ғазаллар девони)
10. Соҳибия
11. Маснавиёт (маснавийлар)
12. Қитъаот (қитъалар)
13. Муламмаот (ширин шакар шеърлар)
14. Муфрадот (фардлар ва бошқалар)

Саъдий форс, араб, урду тилларида шеърлар ёзган. Араб тилини яхши билган. Бир қатор туркий тилларни, форс тили диалектларини билган, Ғарб тиллари билан ҳам таниш бўлган. Ҳатто лотин тилини билган дейишади.

Саъдий ғазал устодидир.

Форс адабиёти тарихчилари орасида қахрамонлик эпоси-достончиликда Фирдавсий, қасидагўйликда Анварий, рубоий, ғазалда эса Саъдий устод, буларнинг ҳар қайсиси шу жанрлар пайғамбари, деган фикр юради. Бу ҳақда ҳатто номалум бир муаллифнинг қитъаси ҳам кенг тарқалган.

*Дар шеър се кас пахмбаронанд
Ҳар чандки Ло набии баъдий
Авсофу қасидову ғазалро
Фирдавсию, Анварию Саъдий*

Мазмуни:

*Шеър оламида пайғамбар 3 та
Ғарчандки «Ло набии баъдий»
Дотону қасидаю ғазалда
Фирдавсию, Анварию, Саъдий*

XV асрнинг улкан сўз усталари А.Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам Саъдийни ғазал ижодчиси ҳисоблайдилар. Аммо бу деган сўз Саъдийгача форс-тожик адабиётида ғазал жанри бўлмаган, деган гап эмас албатта.

Ғазал шаклидаги лирик шеърлар форс-тожик адабиётининг отаси Рўдакийдан бошлаб ҳамма кўзга кўринган шоирлар ижодида учрайди. Бироқ Саъдийгача ғазал жанри ҳали батамом шаклланиб улгурмаган эди.

Ғазал жанри ривожига айнан XII аср тожик шоирларининг хизматлари катта бўлди. Бу даврда ғазал мавзуси кенгайди ва турғун бир қолипга тушиб, шакллана бошлади. Бироқ Бертельс, хусусан, Мовароуннаҳрда Саъдий ғазалчилиikka замин ҳозирлаганини қайд қилади. Аммо ғазал соҳасида 2-3 аср давомида эришилган ютуқларни яқунлаган, ғазални батамом шакллантирган энг забардаст ғазалгўй шоир Саъдий бўлди.

Форс-тожик адабиётида ғазал тараққиёти ҳақида айрим монографик текширишлар ўтказган олим Абдулгани Мирзоев ғазал тарихида Саъдийнинг тутган ўрнини шундай таърифлайди:

«Ҳақиқатан ҳам Саъдийнинг катта хизматларидан бири ғазал тилини ишлаб вояга етказиш бўлади. Ғазал тили ўзига хос хусусиятларга эга. У равон, назокатли, латиф ва ширин бўлиши, қасида ва бошқа шеър шаклларида хос сўзлардан фарқ қилиши керак.

Бу соҳада Саъдийдан илгари ўтган шоирлар ҳам кам ташаббус кўрсатмадилар. Аммо Саъдий нинг бу соҳадаги хизмати жуда каттадир. Ягона қофияга риоя қилиш, қофия ва радифнинг мувофиқлиги ва оҳангдошлиги масалалари Саъдий ғазалларида яна ҳам ривожланди. Ғазалнинг матласи ва мақтаси мужассамроқ. Ғазал вазнини танлаш соҳасида ҳам Саъдийнинг хизмати кам эмас. Рўдакий ва унинг замондошлари ижодида кўрина бошлаган ва XII асрда ривож топган ғазалдаги ҳар бир байтнинг мустақиллигини ошириш масаласи ҳам Саъдий ижодида янада кенгроқ тараққий топди. Бу жиҳатдан лириклик, тил равонлиги, шоир замонидаги кишилар руҳини акс эттириш, умумбашарий мазмунни сингдириш матлаъ ва мақтанинг бақувватлиги, ғазалга хос бадий воситалар ишлатиш, вазн танлаш, қофиянинг мувофиқлиги ва бошқа бадий хусусиятларга шоирнинг қуйидаги ғазали яхши мисол бўла олади.

Кейин А.Мирзаев Саъдийнинг қуйидаги ғазалини мисол келтиради:

Дилам то ишқбоз омад дор ужуз ғам намебинам
Дили беғам кужо жўям ки дар олам намебинам
Даме бе ҳамдаме хуррам зи жонам барнамео-яд
Даме бо жон барояд чунки як ҳамдам намебинам
Маро розет андар дил ва хуни дида парварда
Валекин бо ки гўям роз чун маҳрам намибинам
Қаноат мекунам бодард чун дармон намеёбам
Тахаммул мекунам бо заҳм чун марҳам намебинам
Хушову хуррамо он дил ки хаст ас ишқ бегона
Ки мен то ошно гаштам дили хуррам намебинам
Нами чашм обрўи ман бибурд аз баски мегиръем
Чаро гиръм кас он ҳосил буру намебинам аз нам наи?
Кунун дам даркаш эй Саъдий ки кор аз даст берун шуд
Ба уммеди даме бо дуст, в он дам ҳам намебинам!

Ўзбекча:

Дилимга ишқи тушди, шундан ўзга ғам кўринмас ҳеч
Қаён топгум дили беғам кечиб олам кўринмас ҳеч
Дилим бир ҳамдамий хуррам билан чиқсайди жонимдан
Дамим чиқмоқда жонла чунки бир ҳамдам кўринмас ҳеч
Кўзим қонила қилдим парвариш дилда ниҳон сиррин
Кима айтай бу сирни гарчи бир ҳамдам кўринмас ҳеч
Қаноат дардга қилғум чунки ҳеч дармон тополмасман
Чидармен заҳмига чунки даво марҳам кўринмас ҳеч
Унинг ишқига бегона кўнгил ҳушнуду хуррамдир
Қачонки ошно бўлдим, дилим хуррам кўринмас ҳеч.
Чунон кўп йиғладим, кўз ёшим бирла кетди обрўйим
Нечун йиғлай натижа-намдин ўзга дам кўринмас ҳеч
Висоли дўст дами бирла, букун қўлдан кетибдур иш
Дамингни ичга торт, Саъдий, ўшал дам ҳам кўринмас ҳеч.

Бу ғазал ўзининг соддалиги, равонлиги, инсоний ҳис-туйғуларни оддий инсоний тилда ифода этиши, тасвирий воситаларнинг бетакаллуфлиги, шинамлиги вазн, қофия кўнгли ғусса билан тўла кишиларнинг руҳий ҳолатини жуда моҳирона ифода этиши билан кишини ҳайратда қолдиради. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бунда Саъдий ғазалнинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиб, замона шикоятини ҳам бойитиб орасига «Қаён топгум дили беғам кечиб олам кўринмас ҳеч» каби мисраларда ифода этиб кетади.

Кейинчалик ғазал жанрини энг юқори чўққига кўтарган ҳофиз ҳам ғазалдаги имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланади.

Юқорида келтирилган ғазалда бадий шакл ҳам юксак даражада сезилиб турибди. Унда ажойиб теран мазмун содда ва ҳар бир дилни осонгина мафтун эта оладиган шаклга ўраб, шеър мазмунига мос ҳазин куй билан берилганидан тортиб унда жуда кўп оҳангдош сўзлар, қофияга ва радифга мос товушлар, ҳарфий иштиқоклар шеърнинг бадий имлосини жуда юқори даражага кўтарган. Шунга ўхшаш асарлари учун Саъдий услуби форс адабиётшунослари томонидан «Сахле мумтанеъ», яъни «осону номумкин» деб аталган.

Дарҳақиқат, теран мазмунда бундай равонлик ва соддаликка ҳамма халқларнинг поэзия тарихида ҳам бир неча санъаткорларгина эриша олганлар.

Шундай қилиб Саъдий ғазални жуда юқори поғонага кўтара олган, уни камолга етказиб, мустақил жанрга айлантирган лирик шоир эканини жуда кўп тадқиқотчилар эътироф этадилар. Форс-тожик адабиёти тарихида Саъдий ижодидагина биринчи бор қасида эмас, балки ғазал жанри асосий ўринни эгаллади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Саъдий Шерозий ҳақида нималарни биласиз?
2. Унинг «Куллиёт»и ҳақида тушунча беринг.
3. «Куллиёт» қисмлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Саъдий Шерозий яна қайси жанрларда ижод қилган?
5. «Бўстон» қандай характердаги асарлар сирасига киради?
6. «Гулистон» асаридаги ҳикоятлардан бирини сўзлаб беринг?

7-мавзу: Хусрав Деҳлавий

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш;
- талабаларга Хусрав Деҳлавий лирикаси ҳақида тушунча бериш;
- Хусрав Деҳлавий «Хамса»си, унинг таркиби, мазмуни ҳақида маълумот бериш;

Кутиладиган натижалар:

- талабалар Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотга эга бўладилар;
- Хусрав Деҳлавий асарлари ҳақида тўла маълумот оладилар;
- Хусрав Деҳлавий асарларини ўқиб, адабиётга бўлган қизиқишлари ортади.

Кўргазмали қуроллар:

Хусрав Деҳлавий асарлари, илмий-назарий адабиётлар, марузалар матни, слайдлар

Режа:

1. Амир Хусрав Деҳлавийнинг ҳаёти ва фаолияти
2. Шоир лирикаси

3. Деҳлавийнинг эпик асарлари
4. «Хамса»нинг яратилиш тарихи ва таркиби
 - а) «Матлаъ ул-анвор»;
 - б) «Ширин ва Хусрав»;
 - в) «Лайли ва Мажнун»;
 - г) «Ойнаи Искандарий»;
 - д) «Ҳашт беҳишт».
5. Шоирнинг бадиий маҳорати

Таянч иборалар:

Хусрав Деҳлавий
«Хамса»
«Тухфат ус-сиғар»
«Васатул-ҳаёт»
«Ғурратул камол»
«Бақияун нақия»
«Ниҳоят ул-камол»

Улуғ суҳан устоди Амир Хусрав қаламидан туғилган дурдона асарлар жаҳон бадиий сўз хазинасига муносиб бойлик бўлиб қўшилган. Чунки шоир:

*Сўзларингда бўлса фикру ўй ёниқ,
Бўлсин ҳар сўзингда бир нуқта аниқ*

деган эди ўз «Хамса»сига кирган дostonларидан бирида.

Инсон дилига чексиз завқ шавқ бахш этувчи асарлар яратган, ҳар сўзида нозик фикрлар, ажойиб нуқотлар фаровон бўлган ширин калом шоирни буюк Алишеримиз, «Ҳинд сеҳргари» деб атаган эдилар.

Амир Хусрав XIII аср охири ва XIV аср бошлари Ҳиндистон маданияти тарихида муътабар ўрин эгаллаб, форс ва ўрду тилларида ижод қилган шоирдир.

Унинг тўлиқ исми Яминиддин Абул Ҳасан Амир Хусрав Деҳлавий. У 651 (1253) йилда Ҳиндистоннинг Ганг дарёси бўйидаги Патёли деган жойда дунёга келди, Отасининг исми Амир Сайфиддин Маҳмуд бўлиб, Ўрта Осиёнинг туркий қабилаларидан чиққан. У мўғуллар истилоси вақтида ўз туғилган жойи Кешни (ҳозирги Шахрисабз) ташлаб, Ҳиндистонга кетишга мажбур бўлган.

Унинг ўғилларидан бири Яминиддин Хусрав эди. Хусрав умрининг кўп қисмини Деҳлида ўтказгани учун, «Деҳлавий» деган нисба олган.

Хусравнинг отасига Деҳли султонларидан бири турк Шамсиддин Илтутмиш (1211-1236) амирлик унвони берган. У султон саройида катта обрўга эга бўлган.

Амир Хусрав сарой ҳаётига яқин муҳитда ўсди. Яхши илм, яхши тарбия олишга муваффақ бўлди. Унинг отаси 660 (1261) йилда мўғулларга қарши жангда ҳалок бўлди. Хусрав бу вақтда 8 ёшда эди.

Шоирнинг ўз сўзига қараганда, буваси Имодулмулк унинг тарбиясига катта аҳамият берди, ўқиш-ўрганиши, яхши илм олиши устида кўп қайғурди. Хусрав асосан Деҳлида таҳсил кўради.

671 (1273) йилда 20 ёшлик Хусрав Малик Чхажу номи билан машҳур бўлган Кешлуҳон саройига жалб қилинди.

Шундан бошлаб шоир сарой билан алоқада яшади. У Ҳиндистонга мўғуллар хужумларининг гувоҳи бўлади.

Шеърларидан бирида бу офатли йилларни шундай тасвирлаган:

*Таассуфми ё бало бул осмондин келаду,
Бул қиёмат ёки офат ҳар томондин келаду...
Елга учган барги гулдек тарқамиш дўстлар бу кун,
Баргрезлик шеваси ул бўстондин келаду.
Халқ кўз ёши жуда кўп окди тўрт ёққа бу кун,
Мисли беш дарё бўлибон Мўлтондин келаду...*

Амир Хусрав 1290 йилдан 1320 йилгача Деҳли султонлари саройида хизмат қилади. Умрида уч сулолага мансуб 7 султон ҳузурида хизмат қилган Амир Хусрав, ўша давр анъанасига мувофиқ, ўз асарларини шу султонларга бағишлаган.

Амир Хусрав сарой шоири бўлган бўлса ҳам, сарой ҳаётининг тубанлигини қоралайди. Бир қатор байтларида шоир ўзидан паст кишиларга хизмат қилишга мажбур эканлигидан нолийди:

*Мен бир мискинману, заифу бежон,
Куйибон қайнарман мисоли қозон.
Шомдан то тонггача, эртадан то том,
Қайғу бурчагидан тополмам ором.
Бу ўжар таъбим деб, ўзим каби кўп
Инсонлар олдида тик турубон хўп,
Ўз қонимни ўзим ютмайин ҳечам,
Бировлар сувидан қўлим бўлмас нам.*

Шундай ҳаёт натижаси бўлса керак, шоир умрининг охирида сўфиёна кайфиятлар, таркидунёчилик қарашлари анча кучаяди.

Амир Хусрав шахсий ҳаётига оид маълумотларни унинг ўз асарларидан анчагина топса бўлади.

Айниқса, 698(1299) йил Амир Хусрав учун жуда оғир, ғамангиз йиллар бўлди. Шу йили у меҳрибон онаси Давлатнозхонимдан ва укаси Ҳисомиддин Қутлуғдан ажралди.

Амир Хусрав асарлари ва бошқа манбалардан маълум бўлишича, унинг икки қизи ва тўрт ўғли бўлган.

Амир Хусрав ҳаётида унинг пири шайх Низомиддин Авлиё муҳим ўрин тутди. Шоир ижодида сўфиёна кийфиятларнинг кучайишида ҳам унинг таъсири катта бўлди.

Абдурахмон Жомий Амир Хусравнинг Низомиддин Авлиёга муносабати ҳақида тўхталиб, «султон Муҳаммад шоҳ Хелжи вафот этгач, ҳазрат шайх Низомиддин Авлиёнинг доимий хизматида бўлди ва таркидунёчиликка берилиб кетди...» деб ёзган эди. Умрининг охириги йилларида шоирнинг тасаввуф ғояларига берилиб кетиши сабабини шарқшунос олим, А. А. Стариков «қариб қолган шоирнинг сарой ҳаётидан, табиий, чарчаганлигидан, она, укаси ва яқинларидан ажралган ёлғизлигидан» деб билади. Бу гапда ҳам жон бор, албатта. Сарой ҳаётининг фосиклигидан безган шоир ўз ёрқин идеаллари учун тасаввуфдан, бошқа йўлни кўра олмаслиги табиий эди ўша замонда.

Уни XIII-XIV асрда Ҳиндистонда кенг тарқалган тасаввуф ғоялари қамраб олди. Замона зайли унинг ҳаёти ва ижодига ўз тамғасини босди.

Амир Хусрав ижодига ва айниқса, ғазалчилик маҳоратига катта таъсир кўрсатган кишилардан бири, улуғ форс, шоири Шайх Саъдий Шерозий бўлди.

Амир Хусрав Шайх Саъдий асарларини яхши билган, унга нисбатан чуқур ҳурмат билан қараган ва унинг адабий меросидан руҳланиб, ғазалчилик анъаналари ва инсонпарварлик ғояларини давом эттирган, Амир Хусрав асарларида бунга мисолларни жуда кўп топиш мумкин.

Давлатшоҳ Самарқандий «...Амир Хусравнинг Шайх Саъдийга нисбатан зўр эътиқоди... бўлган», - дейди-да, Амир Хусравнинг қуйидаги сўзини келтиради:

***Сархуш ул Хусрав куйибдур косага маъно майин,
Шираси Шероздаги маст қилғувчи майхонадин.***

Бунда Хусрав Дехлавий Шероз шаҳри орқали Саъдийни кўзда тутганлиги кўриниб турибди. Шоир яна бошқа жойда:

Жилди суҳанам дорад шерозан Шерозий.

(Сўзим муковасининг шерозаси Шероздан) дер экан, юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Хусрав жуда ёшлигидан шеъриятга ихлосманд бўлиб, шеър ёзишни машқ қила бошлаган. Бу ҳақда унинг ўзи «Ғурратул камол» девонида «...тиш тушадиган болалик чоғларимда шеър айтардим ва оғзимдан гавҳар томарди» деса, илк девони «Тухфатус сиғар»нинг дебочасида «...отам ўқиш учун мактабга юборди ва мен қофияни такрорлардим, устод Саъиддин Муҳаммад... хатгот ҳуснихат ўргатарди, мен ҳуснихат ўрнига байт ёзардим... Натижада болалик чоғларимда катталар таажжубда қоладиган шеър ва ғазал ижод қилардим...» деб ёзади. Кунлардан бир кун шаҳар ҳокимининг ноибни Хожа хушхат Саъиддин Муҳаммадни ўз уйига чақиртиради. Саъиддин билан Хусрав ҳам бирга боради. Хожа Асилникида меҳмонлар орасида Хожа Изаддин ҳам ўтирар эди. Саъиддин шогирди Амир Хусравни ўтирганларга таништириб, шеърият мухлиси эканлиги ва яхши шеър ўқишлигини айтади.

Хожа Изаддин қофияланмаган тўрт сўз бериб шундан тўртлик яратишни талаб этади. Булар мўй, уруғ, ўқ, қовун сўзлари эди.

Ўтирганлар ҳузурида Хусрав шундай рубоий битади:

***Икки зулфин ҳар мўйида бу хуш санам,
Юзлаб анбар уруғини қилмишдир зам.
Ўқдай тўғри дея билма дилин чунки
Қовун каби тиши унинг ичида жам.***

Барча бунга офаринлар ўқийди.

Дарҳақиқат, бадиҳа билан айтилган бу рубоий ёш Хусравнинг юксак шоирлик маҳоратидан дарак берарди.

Хусрав Дехлавий илк асарларини «Султоний» таҳаллуси билан ёзди. Унинг бу таҳаллуси биринчи девони «Тухфатус сиғар»да кўплаб учрайди.

Амир Хусрав поэтик, тарихий ҳамда адабиётшунослик ва музыкага оид жуда кўп асарлар ёзган. Шоир асарларининг миқдори ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича «...фозиллар Амир Хусрав девонини йиға олмаганлар... Султон Саид Бойсунғурхон Амир Хусравнинг шеърларини тўплашга жуда кўп уринган ва 120 минг байт йикқан. Бундан сўнг унинг девонида учрамаган ғазаллардан яна 200 байт топган, шоир шеърларини йиғиш мушкул иш ва амалга ошмайдиган орзу эканлигини англаб бу ишни тарк этган». У шоирнинг адабий мероси ҳақида яна давом этиб «...Амир Хусрав ўз рисоаларининг бирида «менинг шеърларим 500 минг байтдан камроқ, аммо 400 минг байтдан ортиқ» деганлигини айтади. Абдурахмон Жомийнинг қайд қилишича, Амир Хусрав 99 китоб таълиф этган. Эрон адабиётшуноси Бадиуззамон Хуросонийнинг ёзишича: «Шоирлардан ҳеч бири ўзидан кейин Амир Хусравчалик кўп шеър қолдирмаган».

Шоирнинг адабий мероси ҳақидаги бундай фикрларни бошқа манбалардан ҳам кўплаб учратамиз. Дарҳақиқат, Хусрав Дехлавий классик шарқ шеъриятининг деярли ҳамма жанрларида ижод қилиб, улкан адабий мерос қолдирган.

Шоир асарларининг турли даврда кўчирилган қўлёзмаларини деярли дунёнинг барча йирик кутубхоналаридан топиш мумкин. Дадил айтиш мумкинки, Амир Хусрав

асарлари нодир кўлёмаларининг кўпчилиги ва қадимгилари собиқ Иттифок кутубхоналарида сақланмоқда.

Шоирнинг бой адабий меросида унинг лирик девонлари муҳим ўрин тутати. Хусравнинг лирик асарлари (қасида, ғазал, қитъа, рубоий, таржеъбанд, луғз, муаммолари), асосан, 5 девонга тўпланган. Улар: «Тухфатус сиғар» («Ёшлик тухфаси»), «Васатул ҳаёт» («Ҳаёт ўртаси»), «Гурратул камол» («Камолотнинг бошланиши»), «Бақияун нақия» («Сараларнинг сараси»), «Ниҳоятул камол» («Камолот чўққиси») номлари билан машҳур.

Бу беш девонга йиғилган шеърлар шоирни моҳир лирик сифатида оламга машҳур қилди. Амир Хусрав лирикаси ажойиб образлар, ўхшатишларга жуда бой. У инсон қалбининг нозик ҳиссиётлари, ошиқ юрагининг дард-аламлари ва чуқур эзгу ниятлари, орзу-умидлари ҳақида зўр маҳорат билан куйлади. Алишер Навоий Амир Хусравни Ҳофиз ва Жомийлар каби ғазал жанрининг тенги йўқ моҳир устодлари қаторига киритган.

Амир Хусравнинг айниқса ишқни куйлашдаги маҳоратини юқори баҳолаган Навоий унинг ҳақида «Ишқ аҳлининг покбозлари ва шавқу ниёз аҳлининг назмтироз ва афсонапардозлари мутақаддиминдин андоқким, назм бешасининг ғазанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари ва завқу ҳол водисининг покриви Амир Хусрав Дехлавийдурким, пок нафас ва гуфтори, пок алфаз ва маонийлик ашъори ишқ аҳли орасида ғавво ва важду ҳол анжумани фазосида алоло солибдур», дейди. Амир Хусравни Ҳофиз замонасигача бўлган лирик шеърятнинг машҳур сиймоси ҳисоблайдилар.

Амир Хусрав эпик жанрда ҳам қалам тебратиб, кўпгина дostonлар яратди. Булар орасида: «Қиронус саъдайн» («Икки саодатли сайёранинг кўшилиши»), «Мифтоҳул футуҳ» («Ғалабалар калиди»), («Хазоинул футуҳ» («Ғалаба хазиналари»), «Дувалроний ва Хизрхон», «Нух сепеҳр» («Тўққиз қават осмон») каби дostonлари бор.

Бу дostonларда шоирнинг ўз кўзи билан кўрган ва иштирок қилган тарихий воқеалар тасвирланади. Уларни мутахассислар «тарихий маснавийлар» деб юритадилар.

Шунингдек, Ғиёсиддин Тўғлуқ ва Насриддин Хусравхон ўртасидаги курашни тасвирловчи «Тўғлуқнома» номли маснавий, «Тарихе Дехли» («Дехли тарихи»), «Эъжозе Хусравий» (Хусрав мўъжизаси) ва бошқа асарлар ҳам Амир Хусрав Дехлавий қаламига мансуб.

Амир Хусравнинг форс тилида ёзган асарлари оламжаҳон ва деярли барчаси яхши кўлёмаларда сақланиб бизгача етиб келган. Аммо унинг Ҳиндистонда турли ҳинд элатлари орасида шухрат топишига сабаб унинг ҳиндча, ҳиндавий, урду тилида ижод этган асарлари, шеърлари, кўшиқлари ва топишмоқлари бўлди.

Шуниси қизиқки, бу асарлар китобат қилинган кўлёмаларда эмас, балки ўтда ёнмас, сувда чўкмас китобларда - халқ дилида, кишилар ҳофизасида ардоқланиб сақланиб ва то ҳозирги кунгача кишлоқ ва шаҳарларда, байрам ва сайилларда оғиздан тушмай куйланиб келмоқда.

Амир Хусравнинг ўзи «Гурратул камол» девонининг дебчасида «Туркийи Ҳиндустонам, ҳиндовий гўям чу об» («Мен Ҳиндистон турклариданмену ҳиндовийни сувдек ичамен»), дейди. Унинг онаси ҳинд бўлган.

Алишер Навоий «Мажолис-ун-нафоис» китобида Амир Хусрав Дехлавийнинг жуда нозик ҳаёл билан айтилган бир байти Хусайн Бойқаро мажлисларидан бирида баҳсга сабаб бўлганлиги ҳақида ёзади.

Жуда кўп тадқиқотчилар Амир Хусравни урду адабиёти асосчиларидан бири ҳисоблайдилар.

Амир Хусрав ҳам шеърят, ҳам мусиқий илмида камолотга эришган ва унинг музикага оид уч тўплами бўлган. Амир Хусрав ҳинд халқининг бой фольклорини пухта билган ва шунинг учун мусиқий илмида ажойиб муваффақиятларга молик бўла олган. У ўз кўшиқларини кенг халқ оmmasига тушунарли бўлган жонли ҳинд (ёки ҳиндавий) тилида ёзган. Амир Хусравнинг кўшиқлари ҳақида Жавоҳарлал Нехру «У йилнинг турли фасллари, ҳаёт ва унинг турли кўринишлари ҳақида, уйга келин тушиши, ҳижрон, ёмғир... тўғрисида куйлади. Бу кўшиқларни ҳозир ҳам тез-тез куйлаб турадилар, уларни Шимолий

ва Марказий Ҳиндистоннинг ҳар бир қишлоғи ва шаҳрида эшитиш мумкин. Уларни, масалан, ёғингарчилик бошланадиган кезларда ҳар бир қишлоқда манго ва липул дарахтининг шохларига арғимчоқ солиб барча маҳаллий йигит-қизлар бу ерларга кўнгили очиш учун келган пайтларида куйлайдилар... Хусравнинг қўшиқ ва топишмоқ-муаммолари, унга шуҳрат келтирди. Кейинчалик, унинг шуҳрати яна ҳам ўсишда давом этди. Мен олти юз йил илгари ёзилган ва шу кунгача ҳаммабоп бўлиб, халқнинг меҳру муҳаббатига сазовор бўлган ҳамда ҳеч қандай матн ўзгаришисиз ижро этилиб келинаётган бундан бошқа қўшиқларни билмайман», деб ёзади. Ҳинд олими Шибли Нуъмонийнинг ёзишича, Амир Хусрав музика илмининг машҳур билимдони Гопал Найак билан бўлган мусикий мусобақада ғолиб чиққан. Амир Хусрав ҳинд куйлари билан бир қаторда форс тароналарини ҳам басталашда ажойиб маҳорат кўрсатиб, икки халқ музикасини ҳамона эртган ва «янги олам» яратган.

Амир Хусрав Деҳлавий - буюк ҳамсанавис шоир. Низомий Ганжавийга издошлик қилиб Ҳамса ёзди. Форс адабиётининг машҳур билимдони Жомий таъбирича, Низомий «Ҳамса»сига бошқа ҳеч ким форс тилида Амир Хусравчалик яхши жавоб ёза олмаган.

Унинг «Ҳамса»си «Матлаъул анвор» («Ёритгичларнинг чиқиши»), «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Оинаи Искандарий» («Искандар кўзгуси»), «Ҳашт беҳишт («Саккиз жаннат») асарларини ўз ичига олади.

Амир Хусрав «Ҳамса»сининг тили ширин, енгил, назокатли, тушунарли ва халқ дидига жуда яқин бўлганлиги учун ҳам у Шарқда жуда кенг тарқалган, севиб ўқилган, унинг айрим дostonларини урду тилига ҳам таржима қилганлар.

Амир Хусрав Деҳлавий ижоди ҳамсачилик, тарихий дostonчилик ва ғазалчиликда Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари адабиёти тараққиёти жараёнида муҳим босқичлардан бири бўлди.

Маълумки, поэзия турлари орасида энг халқчил, энг одамохун, яъни энг гуманистик тур бу лирикадир. Бизнинг адабиётимиз тарихида асосий лирик шакл ғазалдир.

Ғазал халқдан кириб келиб, форс-тожик адабиётининг энг йирик классиги Рўдакий ижодиётидаёқ шакллана бошлаган эди. Аммо у даврда ҳали инсон дилининг энг азиз ва энг теран туйғуларини ифодаловчи бу шаклнинг мустақил жанр даражасига кўтарилишига тарихий шарт-шароит етилмаган эди. Бу шарт-шароит феодал давлати доирасида бўлса-да, шаҳарларнинг ривожланиши, нисбатан озодроқ бўлган шаҳар ҳунармандлар мафкурасининг поэзияга кириб келиши, халқ кўзғолонлари ва инсон шахсиятининг озодлиги учун кураш жараёнида шаклланади. Адабиётимизда ғазал Хусрав Деҳлавий билан деярли бир замонда яшаган Саъдий (1203-1291) ижодида вояга етиб, алоҳида жанр даражасига кўтарилганлиги мусаллам бўлган. Ҳофиз Шерозий (1300-1389), Камол Хўжандий ва Алишер Навоийлар ижодида эса ғазал янада юксакликка кўтарилди.

Аммо Саъдийнинг кичик замондоши Хусрав Деҳлавийнинг ғазал тараққиётидаги хизмати ҳам, фикримизча, Саъдий хизматидан кам эмас, ҳеч бўлмаганда у Саъдий билан Ҳофиз Шерозийлар орасида улар ижодини боғлаб турган занжирнинг мустаҳкам халқасидир.

Алишер Навоий ўзининг ғазалчиликдаги салафлари ҳақида гапирганда Саъдий номини эмас, Хусрав Деҳлавий номини келтириши ҳам бежиз бўлмаса керак.

Амир Хусрав асарларининг абадийлик сирини чуқур инсонийлик ва юксак гуманизмдангина излаш, оддий инсоний туйғулар тили билан изоҳлаш керак, шоирнинг ўзи айтгандек:

*Бу эски оламда бир нарса бунёд
Айлагилки, халқинг этсин сени ёд.
Кимнинг яхши номи қолса ёдгор,
Арзир бу дунёдан кетса бахтиёр.*

Ш. Шомухамедов

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?
2. Деҳлавий ҳамсачилик ривожига қандай ҳисса қўшди?
3. Хусрав Деҳлавийнинг девонлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Хусрав Деҳлавий асрларининг моҳияти, ғояси нималардан иборат?

8-мавзу: Ҳофиз Шерозий

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга Ҳофиз Шерозий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш;
- талабаларга Ҳофиз Шерозий лирикаси ҳақида тушунча бериш;
- Ҳофиз ғазалларининг ғоявий-бадiiй хусусиятларини ёритиш;
- шоирнинг ғазалчилик ривожигаги хизматларини белгилаш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар Ҳофиз Шерозий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотга эга бўладилар;
- Ҳофиз Шерозий девони ва унинг жанрлар таркиби, ғазалларининг мавзу доираси ҳақида тушунчага эга бўладилар;
- Ҳофиз Шерозий ғазалларини ўқиб, катта бадiiй завқ оладилар.

Кўргазмали қуроллар:

«Ишқ гавҳари» девони, илмiiй-назарiiй адабиётлар, маърузалар матни

Режа:

1. Ҳофиз Шерозий ҳаёти ва фаолияти
2. Шоир «Девон»и ва унда ғазалнинг ўрни
3. Ҳофиз ғазалиёти ва унинг мавзу доираси
4. Шоирнинг бадiiй маҳорати

Таянч сўз ва иборалар:

Ҳофиз Шеърозий
Ҳофиз ғазалиёти
сўз сеҳргари
ҳақ ошиғи
май мавзуси
Шарқнинг Вольтери

Хожа Ҳофиз номи билан жаҳоний шухрат қозонган Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий 1326 йили Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган. Шоирнинг отаси Баҳоуддин Муҳаммад асли исфаҳонлик бўлиб, кейинчалик Шерозга бориб, шу ерда муқим яшаб қолган. Козирунлик аёлга уйланиб, баззозлик дўконида ишлаган. Ҳофизга берилган Хожа сифати шоирнинг айнан савдогарлар табақасига мансублигини билдиради. Унинг асл исми Муҳаммад, лақаби Шамсуддин, тахаллуси Ҳофиз. Лекин отаси ёш ўлиб, оила танг аҳволга тушиб қолади. Унинг бадавлат савдогарлардан бўлмаганлигини шу далилнинг ўзи кўрсатиб турибди. Улар оилада уч фарзанд бўлиб, икки акаси кун кўриш учун бошқа шаҳарларга иш қидириб кетади. Онаси билан қолган кичкинтой Муқаммадни бир кишининг тарбиясига топширадилар. Ҳеч қанча ўтмай, у болани боқишдан бош тортади. Шундан кейин уни бир новвойга шогирдлиқка берадилар.

Ёш Муҳаммад ярим тундан то тонгга қадар нон учун хамиртуруш тайёрлар эди. У минг машаққат билан топган пулини учга тақсимлаб, бир қисмини онаси билан ўзининг тирикчилигига ишлатар, иккинчи қисмини таҳсил олишга сарфлар, учинчи қисмини бева-

бечораларга хайру эҳсон қилар эди. Зеҳни ўткир бўлганлигидан тез орада фикҳ, ҳадис, араб тили ва адабиёти, қуръон ва унинг тафсирини мукамал ўзлаштиради. «Ҳофиз шеърлариши синчиклаб ўрганар эканмиз, унинг билим доираси ниқоятда кенглигини, шоирнинг ўша даврдаги кўп фанлардан жуда яхши хабардор эканлигини кўрамиз. У, хусусан, қуръон қироатида маҳорати том ҳосил қилиб, уни 14 усулда тиловат қилади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи:

***Ивҳат рагад ба фарёд, ар худ ба сони
Ҳофиз, қуръон зи бар бихони дар чордаг ривоят,***

дейди.

Мазмуни: «Агар ишқинг Ҳофизга ўхшаб авжига етса, қуръонни 14 усулда ёддан ўқийсан».

Ёш Муҳаммад маърака-ийғинларда қуръонни, қиссаҳонлик кечаларида халқ китобларини ёқимли овозда ўқиб бериб, рўзгор тебратади. Шунинг учун ҳам уни Ҳофиз деб улуғлайдилар ва бу ном кейинчалик шоирнинг адабий таҳаллусига айланиб кетади.

Ҳофиз моҳир хаттот ҳам бўлиб, тирикчилик учун турли китобларни кўчирган қуръонни китобат қилган. Шоир ҳуснихатининг кўзгуси бўлган Амир Хусрав Дехлавий «Хамса»сининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикасидаги Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қулёзмалар фондида 2179-рақами билан сақланади. «Хамса»даги учта асар «Хусрав ва Ширин, «Искандарнома» ва «Ҳашт бихишт» Ҳофиз Шерозий қўли билан кўчирилган ва улардан ҳар бириинг охирида эса котиб ва кўчириш саналари берилган

Ҳофиз яшаган даврда Шероз Эроннинг илмий-маданий марказларидан бири эди. Саройдаги расмий адабий муҳитдан ташқари, шаҳар ҳунармандларининг қиссаҳонлик ва шеърхонлик давралари ҳам машҳур эди. Ҳофизни тарбиялаган ва элга танитган ана шу давралар бўлади. Бўлажак шоир бу давраларда иштирок этар ва баъзан ўз ижодидан намуналар ўқир эди.

Лекин унинг шеърӣ машқлари ҳали хомлиги ва қиёмига етмаганлигидан кўпинча танқидга учрар, шинавандаларнинг ҳазил-мазахларига сабаб бўлар эди. Уни баъзан эрмак қилиш учун бундай давраларга атай чақирганлар. Бу тақдирлардан безган Муҳаммад бир куни машҳур шайх ва шоир Бобо Кўҳӣ қабрини зиёрат қилиб, ўзининг бахтидан ўксиб-ўксиб йиғлаганича мазор бошида ухлаб қолади. Тушига бир нуроний зот кириб:

«Йўлга туш, сенга илм эшиги очилди», дейди. Ҳофиз кўзини очар экан, тилида қуйидаги матлаъли ғазал айланади:

***Душ ваҷтм саҳар аз ғусса нажотам доданд,
В-андар он зулмати шаб оби ҳаётм доданд (235).***

Мазмуни: «Кеча саҳар палласида мени қайғудан халос айладилар ва у зулмат тунида менга оби ҳаёт тутқаздилар».

Авлиё зиёратидан қайтар экан, йўлда яна шинавандалар йўлиқадилар ва бирор-бир янги шеър ўқиб беришини сўрайдилар. Шоир ушбу ғазалини ўқир экан, ҳамма унга таҳсин ўқийди. Алишер Навоӣ «Мажолис ун-нафоис тазкирасида маълумот беришича, Абулқосим Бобурнинг эътиборли аъёнларидан бўлган шоир Мавлоно Муҳаммад Муаммоӣ Ҳофиз қабрини обод қилдирган. Кейин Эрон ҳукмдорларидан Каримхон Занд (1811) ҳозирги сағанани қурдирган.

Ҳофиз сағанасига ўрнатилган тошда унинг: «Мозорим устидан учар бўлсанг, ҳиммат иста, чунки у бутун жаҳон риндларининг зиёратгоҳи бўлғусидир, маъносидаги байти битилган:

***Бар сари турбати мо чун гузари, ҳиммат хоҳ,
Ки зиёратгоҳи риндони жаҳон хогад буд (261).***

Агар Ҳофиз билан Шоғнабот исмли кизнинг муҳаббати тўғрисидаги ривоятлар ҳақиқат бўлса, у оила куриб, икки ўғил курган: бири ёшлигида нобуд бўлган, Шоғнўмон исмли иккинчи ўғли Ҳиндистонда вафот этиб, Буронпурда дафн килинган. Хотини ҳам ёш ўлиб кетган. Шоир шеърларида бу жудоликлар ҳақидаги ишораларга дуч келамиз

Ҳофиз ғазаллари, аввало, жозибали ва ёқимли оҳанги билан ҳар қандай ўқувчини ўзига тортади. Кейин ҳассос ва исёнкор руҳи билан унинг қалбини тўлқинлантиради. Ранг-баранг тимсолу ташбеҳлари, юксак бадиияти билан мафтун қилади. Ниҳоят, кенг ва чуқур маънолари билан ақлини банд этади, қават-қават рамзу тимсоллар пардасига ўралгани билан изланиш ва тафаккур қилишга ундайди. Шоир шеърлари бир неча маъно кирраларга эга бўлганлиги учун ҳам ҳар бир тоифа уни ўзича талқин этади, ўз мақсадига хизмат қилдиради. Чунончи, тасаввуф олимлари Ҳофизни илоҳий ишқ куйчиси сифатида ўргансалар, ғарб ва Шўро адабиётшунослари, аксинча, уни бутунлигича дунёвий шоирга чиқариб қўйган пайтлар бўлди. Аслида шоир ижодида илоҳийлик билан дунёвийлик ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. У еру кўкнинг яратувчиси бўлмиш Оллоҳни таъриф-тавсиф этган, унга бўлган ҳассос муҳаббатини авж пардаларда тараннум айлаш билан бирга, Парвардигори оламнинг заминдаги халифаси инсонни ҳам унутмади, инсоний фазилатларни улуғлаб, қусурларни мазаммат этди: халқнинг орзу-умидлари, дарду ҳасратларини, дунёнинг букаламунлиги, чархнинг кажрафторлиги, замонанинг адолатсизлигини ёниб куйлади. У висол ва ғижрон, яхшилик ва ёмонлик, тўғрилиқ ва эгрилик, донолик ва нодонлик, қувонч ва қайғу, дўстлик ва душманлик каби азалий ва абадий мавзуларни маҳорат билан қаламга олади Машҳур ҳинд шоири ва мутафаккири Муқаммад Иқбол Ҳофизни буюк сеҳргар, деб атаган эди. Чиндан ҳам, дунё адабиётида сўзни Ҳофиздай минг бир маромда ўйнатган, сўзга минг бир маъно юклаган, сўзни минг бир сиру синоат пардасига ўраган яна бир шоирни топиш қийин. Шарқда ҳофизхонлик бежиз шуҳрат тутмаган. Ҳофиз девони мадрасаларда махсус дарсликлар қаторида ўқитилган. Ҳофиз шеърлари табиийлиги, самимийлиги, ҳассос бир муҳаббат ва юксак бадииятга йўғрилганлиги, мазмунан теран ва серқатламлиги, фалсафасининг қуюқлиги, нозик ишораларга бойлиги, услубининг му-раккаблиги учун ҳам унга «лисон ул-ғайб» («ғойибнинг тили») сифатини берганлар. «Шоирлар раҳнамоси Ҳофиз Шерозийнинг аксар шеърлари латиф ва табиий, баъзилари эса равонлик ва ёрқинликда мўъжиза чегарасида... Ҳофиз шеърларида сунъийликдан ҳеч асар бўлмагани учун «лисон ул-ғайб» лақабини бердилар, деб ёзади бу ҳақда Абдурахмон Жомий. Чиндан ҳам, бандасининг бу қадар ҳар жиҳатдан мукамал шеър ёза олишига кишининг ишонгиси келмайди. Бу Ҳофиз қалбига иниб, тилидан қайнаб чиққан илоҳий садолардир, дегингиз келади. Шоир қалби илоҳий маънолар хазинаси, шоир тили унинг котиби, дегингиз келади.

Ҳофиз буюк бир ишқ ошноси эди. Ошиқ қалбининг оташин ҳисларини ғазалларига тўкиб солди ва уларни ўқиган ўқувчиларнинг қалбига ҳам ишқу муҳаббат ўтини солди.

Ҳофиз қалби оддий қалб эмас, балки бир оташкададир- Ҳофиз ғазаллари шунчаки ғазаллар эмас, ана шу оташкададан бу ёруғ дунё сари отилган учкунлардир. Ҳофиз ғазалларини ўқир экан, бағрингизга бир ўт туташгандай бўлиши бежиз эмас. Гўзалликка ошно бирор-бир қалб бу шеърият қошидан бефарқ ўтиб кетолмайди. Бу чашмадан ичиб, маст бўлмаган шеърият муҳлиси ҳали учрамаган.

Ҳофиз сўзнинг имкониятларидан алоҳида фойдаланган шоир. Унинг сеҳрли қаламидан тўкилган мисралар мўъжиза даражасида! Ҳофиз оддийликдан мўъжиза ярата олган шоир!

Ҳофиз содда ва самимий ёзади. Айни пайтда, теран ва ранг-баранг мазмунларни шеърлари қатига сингдириб юборади. Чуқур маъноларни гўзал ифодалашда у беназир санъаткордир.

Ҳофиз шеъриятида санъаткорлик ниҳоятда юксак. У ташбеҳу тимсолларсиз бирор мисра тизмайди ҳисоб. Таносуби каломта қатъий риоя қилади ўрнига тушмаган, жойини топмаган бирор сўз топмайсиз. Фикрларини тазод қарама-қарши қўйиш асосига қуради.

Халқ мақол-маталлари, образли иборалардан маҳорат билан фойдаланади. Шоирнинг тили ўткир киноя-пичингни ҳадди аълосига етказди. Илҳом санъати коса тагида нимкоса шоир шеърларининг етакчи хусусиятларидан. Лутф, муболаға санъатларини жуда ўрнига қўяди. Ҳусни матлаъ, ҳусни таълил, фахрия ва бошқа санъатларнинг ҳам гўзал ва етук намуналарини яратади. Шоир шеърларининг бадиияти унча-мунча мутахассиснинг ҳам ақлини шошириб қўяди. Ҳофиз Шерозий том маънодаги мутасаввуф шоир ва сўфиёна ғоялар тарғиботчисидир. Тасаввуф адабиётида сўфиёна истилоҳ-тимсолларни ўз ижодида энг кўп қўллаган ва уларга энг кўп маъно юклаган яна бир шоир бўлмаса керак. Май, майхона, майфуруш, сокий, журъа, дурд, дурдкаш, қадах, хум, хумхона, маст, хумор, ринд, харобот, дайр, дайри муғон, пири муғон, суфий, мурид, еолик, толиб, талаб, шайх, пир, хонақоҳ., бут, бутхона, тарсо, тарсобача, зуннор, тариқат, маърифат, факр, фано, фоний, сафол, футувват, самоъ, вараъ, уруж, хижоб, парда, жоми Жамшид, жоми жаҳоннамо, илм ул-яқин, шамъ ва парвона, азал ва абад, сафо, шоҳид, хубоб, хирқа, кулоҳ, маком, адам, дарвеш, ориф, соҳибасрор, соҳибна.чар, соҳибкамол, истиғно, важду ҳол каби тимсол-тушунчалар ва уларнинг маънодошлари шоир шеърларида фаол қўлланади. Лекин, Навоийнинг ёзишича, у ҳарчанд кўп илоҳий сирлар ва ҳақиқат маъноларини очик ва яширин ифода қилганига қарамай, ўзининг бирор-бир пирнинг этагини тутгани ёки бирор-бир тариқатга киргани маълум эмас. Ҳолбуки, унинг шеърлари сўфийлар қарашларига шунчалик мувофиқ тушганки, ҳеч бир шоир бу даражага кўтарила олмаган. Хожалар силсиласидан бўлган бир табаррук зот ҳатто агар киши сўфий бўлса, Ҳофиз девонидан яхшироғини тополмайди, деб лутф этган экан.

Бизнингча, у ўзининг эркин ва исёнкор фикрларини ифодалаш учун тасаввуфдан бир восита сифатида фойдаланган. Алишер Навоий ҳам «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шоирларни уч гуруҳга: илоҳий ишқни куйлаган шоирлар, мажозий ишқни куйлаган шоирлар, илоҳий ва мажозий ишқни қўшиб куйлаган шоирларга ажратар экан, Ҳофизни кейинги тоифага мансуб, деб билиши бежиз эмас.

Ўз ижодида май ва у билан боғлиқ тимсоллардан ҳадди аълосида фойдалангани учун ҳам Ҳофиз ринд ва майпараст сифатида машҳур. Бу ҳақда унинг ўзи «бизнинг Ҳофизимиз азал бодасининг мастидир Ҳофиз азалдан ринду шоҳидбоз эди («Ки Ҳофиз аз азал ў ринд буду шоҳид-боз»), деб эътироф этади. «Ҳофиз ғазалларидаги ишқ-муҳаббат, май, риндлик мавзулари бир-бирини тақозо қилади ва бир-бирини тўлдиради».

Маълумки, мумтоз адабиётда май ҳаётдан лаззатланиш ва илоҳий ишқ рамзи бўлиб келади. Май мавзуи ис-ломдан олдинги адабиётда ҳам мавжуд бўлган. Бу мавзу Рўдакий ижодида ҳам муҳим ўрин тутди. Кейин мутасаввиф шоирлар майга илоҳий мазмун бериб, унинг маъно доирасини кенгайтirdилар. Май Ҳофиз ижодида ўзининг авж нуқтасига етди.

Муҳаммад Иқболнинг ёзишича, Ҳофиз тасаввуф таъсирида масту беҳудликни тарғиб этган бўлса ҳам, ўзининг мусулмонга хос ҳушёр ҳаёт кечирган. Зеро, бир умр масту мустағрақ юрган кишининг бундай санъат мўъжизаларини яратиши мумкин эмас.

Ҳофизнинг ҳақиқий лирик шоир экаилигига менинг имоним комил, дейди у. Унинг шеърятидан сўфиёна ҳақиқатларни излаш кейинги мушорихларнинг виждонига ҳавола. Албатта, Ҳофиз суқр ҳолатида бўлган ва шунга тарғиб қилган. «Май, «маст килувчи ичимликлар» ҳам шу маънони билдиради.

Умар Хайём ижодида муайян бир тизимга айланган риндлик ва ҳаётсеварлик оҳанглари Ҳофиз ижодида янги босқичга кўтарилди. Шоир ғазалларида Хайём рубоийларига, уларда ифодаланган фикр, ғоя, мазмун, образларга фавқулодда яқинликни кўрамыз. Хайём рубоийларида ифодалаган маъноларни Ҳофиз ғазалларида ривожлантиргандай. Албатта, Ҳофиз ғазаллари фалсафий жиҳатдан Хайём рубоийлари қадар теран ва серқирра эмас, лекин исёнкор руҳи ва ҳасос оҳанги билан бевосита Хайём анъаналарининг давомчисидай таассурот қолдиради.

«XV асрга келиб, Ҳофиз Шерозий ижоди Шарқда жуда оммалашиб кетди. Бунда Ҳирот адабий муҳитининг муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлаш керак. Ҳирот ҳукмдори

Султон Ҳусайн Бойқаро мажлисларида, йиғин ва мушоираларда, ҳофизхонликларда шоир ғазал ва рубойлари, китъа ва таржибандлари, бошқа адибларнинг унга боғлаган назира ва муҳаммаслари кироат билан ўқилган, муносабат билдирилган. XVIII аср охири XIX аср бошларидан эътиборан Ҳофиз ғарб дунёсини ҳам ўзига қаратди. У ғарб илму адаб аҳлида Шарқ сўз санъатига нисбатан меҳру қизиқиш уйғотди. Хусусан, 1812 йилда Йозеф фон Ҳаммор шоир девонини тўлалигича таржима қилиб, немис тилида нашр эттиргач, Ҳофизнинг шухрати Германияда ортиб кетади. Уша пайтда Германияда Ҳофиз шеърлари ўқилмайдиган, унинг ижоди ҳаётида баҳс юритилмайдиган бирор адабий уюшма ёки тўгаракни топиш қийин эди. Ҳофизга эргшиб ёзилган шеърлар кўпайди, ҳатто немис адабиётида шарқона шаклдаги шеърлар, ғазаллар пайдо бўлди. Буюк Гёте «Ғарбу Шарқ девони»ни яратди. Бу девон ғарб адабиётига Шарқ руҳини олиб кирди, Шероз булбулининг шухратини янада оширди. У Ҳофиз шеъраларидан олган таассуротларини ифодалаб, жумладан, шундай деган эди: «Мен ақлдан озьяпман. Агар ғазалнависликка ўтиб, кўнглимга бир оз таскин бергудек бўлмасам, тўсатдан ҳаётимга кириб келган бу ғайриоддий шахсиятнинг ғаройиб таъсирини кўтара олмайман». «Шу тариқа, Гёте янгича шеърый усулга мурожаат қилади. Бундай усулни у Ҳофиздан қабул қилади. Немис мутафаккири Ҳофизни «стилистик феномен» («ноёб услуб даҳоси»), «муқаддас Ҳофиз» деб атади. Гёте Ҳофизни «Шарқнинг Вольтер»и, деб билади. Шу сабабли у ҳам Ҳофиздай бўлишни орзу қилади». Гёте ўзини Глотам, маъшуқасини Зулайхо деб атаб, кўплаб шарқона шеърлар ижод қилади. Бу шеърлар девоннинг «Муғаннийнома», «Сокийнома», «Ҳофизнома», «Ҳикматнома», «Тафаккурнома», «Темурнома», «Ранжнома». «Ишқнома», «Форсийнома», «Тафсирнома», «Масалнома», «Хулднома» каби фаслларида ўрин олган.

Улуғ немис файласуфи Гегель ҳам Ҳофиз ҳақида «гениал санъаткор, гўзал, лаззатли... айна чокда, исёнкор шеърлар муаллифи», деб ёзган эди.

«Инглиз шарқшунос олими Э. Броун ва немис шарқшунос олими Г. Эте Ҳофизни «Ҳамма замонларнинг энг катта ғазалгўй шоири бўлди ва шундай бўлиб қолади», деган бўлсалар, Ҳофизнинг таржимони Миссис Гертруда Белл Ҳофизни илк уйғониш даври итальян гуманист шоири А. Данте билан муқояса қилади».

Умуман, ғарбда Ҳофизни Гейне, Гёте, Вольтер, Байрон каби улуғ адиблар қаторида улуғлашган.

Рус адабиётида ҳам Ҳофиз катта шухрат қозонди. Машҳур рус шоири ва таржимони А. Фет Ҳофиз шеърлари таржимаси муқаддимасида: «Бизнинг шоиримиз билан, ҳатто, юзаки танишишнинг ўзи иккита катта ҳақиқатни англашга йўл очади: биринчидан, биз ўзимизнинг ғарб адиблари ва мутафаккирларида кўриб ҳайратланидиган фазовий юксакликни инсоният аллақачон кашф этган; иккинчидан, қайси заминда ва қачон униб чиққанлигидан қатъи назар, ҳақиқий шеърят гуллари сўнмасдир...», деб ёзган эди. А.С.Пушкин Ҳофиз қаламга олган мавзулардан илҳомланиб, «Ҳофиздан» деган туркум шеърлар яратган. Улуғ рус шоири: «Саъдий ва Ҳофиз қалами яратган пинҳоний сирлардан хабардор бўлганумга қадар менинг шеърларимда ҳаётий жиҳатлар ва ҳаётсеварлик хиссиёти камроқ кўринади», деган эди. М. Ю. Лермонтов, В. Жуковский, С. Есенин, П. Гнедич, М. Прахов, А. Майков, А. Михайлов, М. Кузьмин, В. Иванов, В. Брюсов каби рус шоирлари ҳам Ҳофиз таъсирида ҳофизона оҳангларда шеърлар ёзганлар, улар ижодини юксак баҳолаганлар.

Ҳофиз Шерозий ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан машҳур бўлиб, Хўжа Ҳофиз деб улуғлаб келинган. Девони мадрасаларда ўқитилган, ғазаллари ҳофизхонлик кечаларини қизитган. Пекин асрлар мобайнида ёнма-ён яшаб келган форсий ва туркий халқлар бир-бирларининг тилларини тушунганлари, Мадраса таҳсилини кўрган аждодларимизнинг форсий адабиётни ҳам хатм қила олганлари туфайли форсий шеърларни таржима қилишга эҳтиёж сезилмаган. Қолаверса, бу халқларнинг маданияти ва санъати ягона тамойиллар, муштарак анъаналар асосида ривожланган, форсий ва туркий

тиллардаги адабиёт ўзаро эгизак сўз санъати сифатида камол топган. Адабиётларимиз тарихида ҳам туркий, ҳам форсийда ижод қилган зуллисонайн шоирлар кўп ўтган.

Чоризмнинг Ўрта Осиёни босиб олиши билан бошланган туркий ва форсий халқларнинг бир-биридан узоқлашиш жараёни Октябрь тўнтариши натижасида янада тезлашди. Бу орада «эскичани билганларнинг кўпи қатағон қилинди. Икки бор алифбо алмашди. Оқибатда оддий халқ тугул, зиёлилар ҳам форсий адабиётни таржимасиз тушунмайдиган аҳволга тушиб қолдилар. Зуллисонайнлик анъанасику Ҳамза ва Айнийдан кейин деярли давом этмади. Лекин адабий алоқанинг янги тури бадий таржима икки халқа бўлиб майдонга чиқди: ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб бизда форсий адабиётдан таржима ривожланди ва форсий сўз санъатининг катта қисми ўзбекчалаштирилди.

Ўзбек ўқувчилари Ҳофиз ижоди билан ўз тилларида 1958 йили илк марта танишдилар. Шу йили шоирнинг 82 ғазал, 40 рубой, таржеъбанд ва соқийномасини ўз ичига олган тўплами таржима қилиниб, нашр этилди. Хуршид, Муинзода, Чустий таржималаридан иборат мазкур тўплам ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди, адабий жамоатчилик уни ижобий баҳолади. Чунки шоир ғазаллари анча муваффақиятли таржима қилинган, хусусан, таржималари гўзал ва ҳофизона чиққан эди. Ўзбекистонда Ҳофиз Шерозий ғазаллари таржимаси хусусида сўз кетгудай бўлса, барчанинг кўз олдига дарҳол забардаст мутаржим, форсий адабиёт билимдони Хуршид келиши бежиз эмас. У Ҳофизнинг руҳига кириб, дилини англаб, услубига калит топиб, шоирнинг оташнафас ғазалларини ўзбекча аслидагидай жаранглата олган. Шунинг учун ҳам гарчи Ҳофиз шеърлари таржимасига Муинзода, Чустий, Васфий, Шоислом Шомухамедов, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Жонибек қувноқ, Мирзо Кенжабоқ, Сирожиддин Саййид, Олимжон Бўриев, Ошиқ Эркин, Эргаш Очилов каби кўплаб таржимонлар журъат этган бўлсалар-да, ҳеч ким бу борада Хуршидга ета олган эмас.

Таржиманинг таржима эканлиги билинмаса, ўқувчи уни ватан адабиёти намунаси каби ўқиса, мутаржим ўз зиммасидаги вазифани тўлиқ ва мукаммал бажарган ҳисобланади. Ҳофиз шеърлари таржимасида Хуршид ўз олдига худди шу вазифани қўйган ва кўп ҳолларда бунга эришган ҳам. Чунончи, уйдаги мисраларни ўқир эканмиз. Ҳофизнинг ўзи ўзбекча ёзган, деб юборасиз.

Ҳофиз шеърлари таржимаси кейинчалик ҳам тўхтаб қолган эмас. Истеъдодли шоирлар на таржимонлар М.Кенжабеков ва О.Бўриевлар шоирнинг бир неча ғазалларини таржима қилдилар. Биз шоир рубойларининг аруз вазнидай янги таржималарини амалга оширдик.

Яқинда таниқли шоир О.Эркин бу рубойларнинг бармоқ ўлчовида қилинган янги таржималарини эълон қилди. Ушбу тўпламда мазкур таржималарнинг деярли барчасини қамраб олишга интилдик. Фақат шоирнинг қатор ғазал ва рубойлари қайта-қайта таржима қилинганки, уларни танлаб олишга тўғри келди.

Халқимиз азалдан Ҳофиз билан Навоийни, Фузулий билан Бедилни тенг кўриб, баб-баравар мутолаа қилиб келган. Юртимизда айнан ҳофизхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик машҳур бўлган. Форсий адабиётга муҳаббат ҳозир ҳам баланд. Фақат энди бу адабиёт намуналарини таржима ёрдамида хатм қиламиз. Шундай экан, умид қиламизки, бу борада эришилган нуктада тўхтаб қолмаймиз: таржималар давом этади ва ҳар бир янги таржима улуғ шоир ижод оламини кашф этишда янги босқич бўлаверади. Келгусида Ҳофиз асарларининг тўла ва мукаммал таржималарини амалга ошириб, жаҳон сўз санъатининг забардаст намояндаларидан бўлган бу улуғ шоир шеъриятдан халқимизни чинакам маънода баҳраманд қилишимиз лозим. Бугина эмас, Ҳофиз ғазалларига кўплаб шарҳлар ёзилганки, уларни ҳам таржима ва изоҳлар билан ўзбек тилида нашр этсак, бу нафақат Ҳофиз ижоди, балки умуман мумтоз Шарқ адабиётини тобора теранроқ англашимизга хизмат қилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Саъдий Шерозий ҳақида нималарни биласиз?

2. Унинг «Куллиёт»и» ҳақида тушунча беринг.
3. «Куллиёт» қисмлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Саъдий Шерозий яна қайси жанрларда ижод қилган?
5. «Бўстон» қандай характердаги асарлар сирасига киради?
6. «Гулистон» асаридаги ҳикоятлардан бирини сўзлаб беринг?

9-мавзу: Абдурахмон Жомий

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга Абдурахмон Жомий ҳаёти ва фаолияти ҳақида тушунча бериш;
- Абдурахмон Жомий ва ижоди ҳақида маълумот бериш;
- Жомий ва Навоий ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ҳақида билим бериш;
- Абдурахмон Жомийнинг форс-тожик адабиёти ривожигаги ўрнини белгилаш;

Кутиладиган натижалар:

- талабалар Абдурахмон Жомий ҳаёти ва фаолияти ҳақида тушунча ҳосил қиладилар;
- адиб асарлари ҳақида билимга эга бўладилар;
- Абдурахмон Жомий асарларидан эстетик тарбия оладилар.

Кўргазмали қуроллар:

Абдурахмон Жомий асарлари, илмий-назарий адабиётлар, маърузалар матни, слайдлар

Режа:

1. Абдурахмон Жомийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи манбалар
2. Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти
3. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий муносабатлари
4. Девонларнинг яратилиш тарихи
5. Жомийнинг «Ҳафт авранг» асари ва унинг таркиби
6. «Баҳористон» асари ва унинг ғоявий-бадiiй хусусиятлари

Таянч иборалар:

«Тухфатул-аброр»
 «Субҳатул-аброр»
 «Силсилатун заҳҳоб»
 «Миръотул ҳаёл»
 «Хирадномаи Искандарий»

Абдурахмон Жомий Шохрух ҳукмдорлиги даврида - 1414 йил 7 ноябрда Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида, руҳоний оиласида дунёга келди. Жомийнинг ота-боболари асли Даштдан бўлиб, Жомда туриб қолишган. Бобоси Мавлоно Муҳаммад ва отаси Низомиддин Аҳмад сингари Абдурахмон ҳам кўлига қалам олиб, шеър ёза бошлаган вақтдан бошлаб ўз таваллуд топган шаҳри номини ўзига адабий таҳаллус қилиб олган (Баъзи олимларнинг фикрича, «Жом» сўзи «идиш» маъносида тасаввуфий тушунчани ҳам билдиради. Шарқдаги адабий анъанага кўра адабий таҳаллус кўп маъноли бўлиши маъқул кўрилган). У асосий умрини Ҳиротда ўтказди ва шу ерда машҳур шоир ва мутафаккир бўлиб етишди. Болалик чоғидаёқ Жомий зехнининг ўткирлиги билан ажралиб турган. Бошланғич маълумотни отасидан олган. Оиланинг Ҳиротга кўчиши, отасининг бу ерда шайх ул-ислом мансабига тайинланиши Жомий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳиротда унинг ўқишига Хожа Алоуддин Али Самарқандий, Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармий каби машҳур алломалар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Натижада араб тили, илоҳиёт, тасаввуф, шеър қоидалари, адабиёт тарихи ва бошқа фанларнинг асосларини жуда эрта ўзлаштира бошлади.

Жомий турли фанлар бўйича ўз таҳсилини Самарқандда ниҳоясига етказишни ихтиёр қилар экан, Улуғбек мадрасасида Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи каби алломаларнинг маърузаларини эшитиш шарафига муяссар бўлди. У фикҳшунос олим, араб тили, «Қуръон», ҳадислар бўйича мутахассис Фазлуллоҳ Абуллайсдан ҳам кўп сабоқ олди. Ҳиротда Жомий тасаввуф йўлига киришни, ўз билим ва фаолиятини шу йўлга, қолаверса, ижодга, илм-фанга бағишлашни афзал кўради.

Ёш Жомий Шайх Саъдиддин Кошғарий билан яқинлашиб, унга қўл беради ва тез орада унинг ҳурматини қозонади. Жомий пирининг қизига уйланади. Саъдиддин Кошғарий тасаввуфда Муҳаммад Нақшбанд сулукига мансуб эди.

1469 йили Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтига ўлтиради. Орадан кўп вақт ўтмай, 1476-1477 йиллар орасида у ўз дўсти ва вазири Алишер Навоий билан Жомийни ўзига пир ва устоз деб танийди. Бу Жомий ҳаёти ва фаолиятида катта воқеа бўлди.

Жомий кундалик ҳаётда оддий, дарвишона яшаса ҳам, бироқ шоҳ ва унга алоқадор кишиларнинг, ҳатто асарлари орқали таниган бошқа мамлакат подшоҳларининг унга муруввати катта эди. Шунинг учун у ўзига тушган даромадлар ҳисобига бир қанча бинойи хайриялар, шу жумладан, Ҳиротда икки мадраса ва хонақоҳ, туғилган шаҳари - Жомда бир масжид қуриш имконига эга бўлган. Унинг Шамсиддин Муҳаммад исмли укаси бўлиб, у катта табиб, олим ва созанда бўлиб етишгани маълум.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ва адабий ҳаётда юз берган ибратли ҳодисалардан бири Навоий - Жомий муносабатларидир. Бу икки буюк зот ижод соҳасида халқпарварлик ва инсонпарварлик мавқеида туриш билан бирга халқ, давлат ишларида инсоф ва адолатни ёқлар эдилар. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», «Лужжат ул-асрор», «Ашиат ул-ламаот», «Рисолаи мусиқий», «Рисолаи муаммо» каби бир қанча асарлари Навоийнинг маслаҳати ва илтимоси билан ёзилган. Жомий ўз лирик шеърларини йиғиб, Навоийнинг маслаҳати билан учта девон тузади ва девонларнинг биринчисига «Фотиҳат уш-шабоб», иккинчисига «Воситат ул-икд») учинчисига «Хотимат ул-ҳаёт» деб ном қўяди.

1480 йилдан 1485 йилнинг охирига қадар Жомий ўзининг буюк «Ҳафт авранг»и таркибига кирган дostonларини яратиш устида иш олиб борди. Шарқ адабиётидаги ҳамсачилик анъаналари асосида ёзилган бу дostonлардан «Силсилат уз-заҳаб», «Тухфат ул-аҳрор», «Сухбат ул-аброр» ғоявий-тематик жиҳатдан фалсафий-ахлоқий йўналишда, жанр эътибори билан панднома типига бўлиб, ўз даврининг энг долзарб масалаларига бағишланган эди. «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол», «Хирадномаи Искандарий» дostonларида эса шоир анъанавий сюжетларнинг янгича талқинларини берди.

Жомий бир неча маротаба ҳаж қилган, ҳаж сафари давомида Нишопур, Бастом, Домгон, қазвин, Ҳамадон, Карбало, Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб, Табриз каби шаҳарларни кўрган, бу шаҳарларда юксак иззат-ҳурматга сазовор бўлган. Унинг шахсий мактубларидан маълум бўлишича, яқин дўсти Хожа Аҳрор таклифи билан Тошкентда ҳам бўлган ва улуғ мазоратларни зиёрат қилган.

Абдурахмон Жомий 1492 йили шамоллаш натижасида ҳасталаниб, 78 ёшида ҳаёт билан видолашган. Унинг дафн маросимини Навоий бошқариб, подшоҳ Ҳусайн Бойқаро эса мамлакатда бир йил мотам зълон қилди. Унга атаб кўпгина шоирлар, шу жумладан, Навоий ҳам қайғули марсиялар битди. Навоий марсиясида Жомий вафотининг тарихи «Кашфи асрори илоҳ» («Илоҳий сирлар кашфи») деган сўзлардан (ҳижрий 898, мелодий 1492 йил) чиқарилган эди.

Абдурахмон Жомий ғоят сермахсул ижодкор бўлиб, ундан бизга адабиётнинг турли жанрларига, фан ва санъатнинг ранг-баранг соҳаларига оид бой мерос қолган. Жомий асарлари ўз давридаёқ Хуросон ва Мовароуннаҳр доирасидагина эмас, бошқа мамлакатларга ҳам кенг тарқалган эди. Баъзан қўшни мамлакат подшоҳлари, масалан, Султон Яъқуб унинг асарларини сўраб махсус элчилар юборган. Унинг асарлари ўз даврида ва ундан кейин ҳам кўп қўлёзма нусхаларда кўчирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида

Жомий асарларининг XV-XVI асрларда кўчирилган ўнлаб қўлёзмаларини учратиш мумкин. Бундай қўлёзмалар Русия, Афғонистон, Эрон ва Оврупо мамлакатларидаги бошқа қўлёзма фондларида ҳам учрайди. Таниқли шарқшунос Е. Э. Бертельс «Жомий» монографиясида шоир асарларининг Тошкент куллиёти (ЎзР ФА Бе-руний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма инв. №2122) асосида 52 асарининг номини келтиради.

Жомий асарларининг бир қисми диний ва фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларда шоир Ислом дини ва Шарқ фалсафасининг бир қатор масалаларини ўз қарашича талқин қилади, тасаввуфнинг XV асрдаги энг йирик арбоби сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Бунга унинг «Нақши фусус» («Маънолар нақши»), «Шавоҳиди нубувва» («Пайғамбарликка далиллар»), «Шарҳи қасидаи «Тоия» («Радифда «то» ҳарфидан фойдаланиб ёзилган қасида шарҳи»), «Нақ-ди нусус» («Матнни танқид»), «Шарҳи қасидаи «Хамрия» («Хам-рия» қасидаси шарҳи»), «Нақшбандия таълимоти ҳақида рисола», «Воҳид» атамаси ҳақида рисола», «Зикр» шартлари ҳақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола», «Ашиот ул-ламаот» каби бир қанча асарларини шу гуруҳга киритиш мумкин.

Жомий ўзининг мутасаввуфлик фаолиятида Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини шу сулукнинг иккинчи бир йирик намояндаси - Хожа Аҳрор Валий билан яқин муносабатда бўлган ҳолда янада ривожлантирди. Расман у ўзини кундалик ҳаётда «Маломатия» тариқатига мансуб деб ҳисобласа-да, асарларида улуғ Нақшбандга ихлоси чексиз эди. Ўзининг «Ўжжат ул-асрор» қасидасида сўфий хулқ-ахлоқи, инсон тарбияси ҳақида гап борганда таъмагарликни қоралаб, қаноатли кишиларнинг олижанобликларини, уларнинг маънавий жиҳатдан подшоҳ ва вазирлардан ҳам устун эканликларини мадҳ этиб, куйидаги сатрларни битган эди:

***Томеъон аз баҳри туъма неши ҳар хас сар ниҳад,
Қонеъонро ханда бар шоҳу вазири кишвар аст.***

Мазмуни:

Таъмагирлар бир лутма учун бошини хасга қўйишга тайёр, Қаноатлилар эса мамлакат шоҳи ва вазири устидан ҳам кула олади.

Шоир фикрича, инсон ҳалол ва пок яшаши, бунинг учун эса у бир касбга эга бўлиши, ўз меҳнати ҳисобига кун кўриши зарур:

***Марди косиб к-аз машаққат мекунад кафро дурушт,
Баҳри ноҳамворийи нафси дағал суҳонгар аст.***

Мазмуни:

Косиб одам меҳнат туфайли қўлини қавартаради, бу қўлдаги дағал эса нафс ғидир-будурини текисловчи рандадир.

Жомийнинг тасаввуфга бўлган этиқоди соф ва мукаммал бўлиб, у Худони ёруғ нур кўринишида тасаввур этар эди. Шеърин асарларида эса Худони гўзал маъшуқа қиёфасида тасвирлаган. Шу билан бирга унингча, дунёдаги ҳамма нарсаларни Худо яратган. Худо ўзи ҳам мингларча кўзгуда, турли қиёфада ва кўринишда намоёндр.

Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарини яратиш билан тасаввуф тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Унда 616 мутасаввуф ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 таси аёллардир. Жомий вафотидан кейин бу асарни Навоий маълум тўлдиришлар билан ўзбек тилига таржима қилиши бежиз эмас эди.

Жомийнинг «Рисолайи аруз», «Рисолайи муаммойи кабир», «Рисолайи муаммойи сағир», «Рисолайи муаммойи мутаваассит», «Рисолайи муаммойи манзум», «Шарҳи байти Маснавий», «Шарҳи байти Хусрав», «Шарҳи руббиёт», «Рисолайи қофия» каби асарлари Шарқ адабиёти тарихини, унинг вазн, қофия ва шеър турлари билан боғлиқ назарий масалаларини ўрганишда ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Олимнинг фақат муаммо ҳақида 4 та назарий қўлланма яратгани ёки улуғ салафлари асарларининг мураккаб

бир байтини изохлаш, тасаввуфнинг бирон атамасини ёритиш учун махсус рисолалар ёзгани, унинг адабиёт тарихини ўрганишга жуда катта аҳамият берганини, ўзи бу соҳаларнинг ҳақиқий донишманди бўлганини кўрсатади.

Бундан ташқари Жомий ўз даврнинг энг буюк тилшуноси ҳам эди. У форс тили грамматикаси бўйича махсус шеърӣ ва насрий қўлланма ёзган. Араб тилини эса ўз она тилидек билган. У вақтда араб тили машҳур хоразмлик тилшунос олим Ибн Ҳожибнинг (1175-1249) «Ал-қофия» китоби бўйича ўрганиларди. Шоирнинг суюкли фарзанди Зиёвуддин араб тилини шу дарслик бўйича ўқир экан, дарсни ўзлаштиришда катта қийинчилик сезади. Шунда Жомий унинг аҳволини тушуниб, 1492 йили, яъни умрининг охирларида «Ал-қофия»га махсус шарҳ ёзади. Шундан сўнг Ибн Ҳожибнинг асари мактаб ва мадрасаларда шу шарҳ ёрдамида ўқитиладиган бўлади. Жомий «Шарҳи» эса «Шарҳи Мулло» номи билан шухрат қозонади.

Унинг аруз билан бир қаторда мусиқа назарияси ҳақида «Рисо-лайи мусиқӣ» асарини ёзиши шу давр маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Жомий ўз рисоласида Абу Наср Форобийнинг кўп жилдлик «Мусиқа ҳақида катта китоб» асаридаги ғояларни янада ривожлантирди, мусиқани товушларнинг ўзаро оҳангдошлик (таълиф) ва нооҳангдошлик (манофарат) нуктаи назаридан ўрганувчи, янги куй яратиш учун улар орасидаги оралик (озмина)ларни текширувчи фан деб характерлади. Мусиқа, унинг фикрича, инсонга энг юқори маънавий озик берадиган мукаммал гўзал товушлар ҳақидаги фандир. Бу фан инсонларга хизмат қилиши, уларнинг ҳаётини безаши зарур.

XV аср адабий ҳаётида шеърӣ асарлар билан бир қаторда насрни ривожлантиришга ҳам аҳамият берилар эди. Шайх Саъдийнинг «Гулистон» номли машҳур ҳикоялар тўпламини ғоят севган ва уни «жаннатдан нишон, хашактикони ҳам анбаргадир жон» деб таърифлаган Жомий 1486-1487 йилларда шу асарга жавобан «Баҳористон» деган асарини яратди. Жамиятдаги турли табақалар ҳаётидан, тарихдан ҳикоя қилувчи бу тўпламда биз жанр эътибори билан енгил, ёзилиш услуби ўзгача, тили халқчил, сюжети содда кўп ҳикояларни ўқишимиз мумкин. Ҳар бир ҳикоя катта тарбиявий аҳамиятга эга. Масалан, куйидаги ҳикояда Искандарнинг мураккаб бир саволга ғоят оқилона жавоб берганини ва дўстлик, инсонийлик ғояларини улуғлаганини кўрамыз:

«Искандардан:

- Сен шундай ёшлик ва навқиронлик чоғингда қандай қилиб бу давлату салтанатга эриша олдинг? – деб сўраганларида, у шундай жавоб берибди:

- Мен душманларимга хушмуомала бўлдим, токи адоват жилови йиғилиб жонлансин; дўстларга садоқатда бўлдим, токи дўстлик мустаҳкамлансин».

«Баҳористон»нинг 7-равзаси адабий тазкира характерида бўлиб, унда Рўдакий, Дакикий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Низомий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Хусрав Деҳлавий каби машҳур форс-тожик шоир ва адиблари тўғрисида қимматли маълумотлар ҳамда уларнинг ҳаётидан олиб ёзилган ҳикоялар бор.

Лекин Жомий ижодининг энг катта қисмини, ҳеч шубҳасиз, унинг шеърӣяти ташкил этади. 1490 йилнинг бошида ўз шеърларқдан 3 та девон тузган бўлиб, бу девонлар 1805 ғазал ва бошқа шеър турларини ўз ичига олгандир. Бу девонлардаги деярли барча шеърлар шоирнш юксак истеъдодидан дарак беради. Навоий: «Жомийнинг йигитлю даврида илм олишга қаттиқ эътибор берган бўлса-да, «аммо ҳеч: назм ойинидин холи эмас экандурлар», - деб ёзади «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида. У ўз мулоҳазаларини давом эттариб, улуғ шоир шеърларининг диний-тасаввуфӣй, мазмуни Аллоҳни таниш, билиш билан боғлиқ ҳақиқатни шоир мажозий йўл, услуб билан, ўзини мажбур қилиб эмас, балки беихтиёр ифодалагани ҳақида ёзади.

Жомий шеърларида ҳам, бошқа кўп Шарқ мумтоз шоирлардаги каби ҳаёт, инсон гўзаллиги ва ички туйғу, эҳтирослари ўзининг табиӣй ифодасини топган ва шоир уларга тасаввуфӣй маъно берган. Жомий шеърӣй меросининг йирик тадқиқотчиси А. Афсаҳзод ҳам бу тўғрида: «Жомийдаги сўфиёна кайфият унинг ижодий йўлини энг ибтидосидан бошланган эди», - деб ёзганда тўла ҳақ эди.

Жомий лирик шеърлятида реал ҳаёт билан тасаввуфий ҳаёт шoirнинг ижодий фантазияси орқали бириктирилган.

Шoir шеърлятидаги панд-насихат руҳидаги шеърлар кишиларни эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга, камтарликка, Аллоҳ томонидан берилган умрни яхши ишлар билан яшаб ўтказишга даъват этади. У ўз рубойларининг бирида ёзади:

*Бўлайлик дил хаста ҳам сийналар чок,
Ҳаётда доимо пок бўлайлик, пок.
Хокистар бўлайлик ишининг бошидан,
Чунки охири ҳам хок бўлурмиз, хок.*

(Ш. Шомухамедов таржимаси)

Ранг-баранг ҳаётӣ мавзуларда яратган бадиӣ юксак ва сержило шеърлар билан форсий адабиётни бойитган Жомий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавӣ, Хожа Ҳофиз Шерозий каби сўз санъаткорлари сафидан муносиб ўрин олди.

Абдурахмон Жомий ижодининг гултожи, шубҳасиз, унинг «Ҳафт авранг» деб номланган дostonлар мажмуасидир. Бу дostonларида Жомий форс-тожик адабиётда яратилган Низомӣ Ганжавӣ (1141-1209) ва Амир Хусрав Дехлавӣнинг (1253-1325) «Хамса»ларидаги энг яхши ғоявий ва адабий анъаналарни давом эттириб, XV асрнинг ижтимоӣ-сиёсий ва маънавий ҳаётда мавжуд муаммоларга ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилган.

Жомий ижодининг асосӣ қисми дostonдан иборат. «Ҳафт-авранг» (Етти тахт) асари ташкил қилади. Жомий бир кунӣ Навоӣ билан хамсачилик ҳақида суҳбатлашгандан кейин «Хамса» ёзиш иштиёқи кучаяди ва 5 дostonдан иборат «Хамса»ни ёзади.

1. «Тухфатул ахрор» (Нуронийлар тухфаси) (886 ҳижрий) 1481-1482 йиллар. Тасаввуфӣ руҳда ёзилган бу дидактик асар 20 суҳбат-бобдан иборат. Ҳар бир бобда шу суҳбатда илгари сурилган ахлоқӣ қондани тасдиқловчи масаллар берилган.
2. «Сибҳатул-аброр» (Такводорлар тасбеҳи) (887 ҳижрий) 1482-1483 йиллар. Бу тасбеҳ 40 иқд-дурдона, яъни 40 бўлимдан иборат. Бу асарда шoir мамлакатни идора қилиш усуллари масаласига тўхталади. Шоҳларни адолатли бўлишга, инсофликка чақиради. Сўфийларнинг ўз кунини ўзи кўриши, бошқалар ҳисобига яшамаслиги, бойликка интилмаслиги ҳақида гапиради.
3. «Юсуф ва Зулайхо» (888 ҳижрий) 1483 йил.
4. «Лайли ва Мажнун» (889 ҳижрий) 1484 йил. Жомий бу дostonда Низомӣ ва Дехлавӣлар изидан бордим, деб таъкидлайди. Шoir тасаввуф ғояларини тарғиб қилиш ва дostonга сўфиёна талқин беришга интилан.
5. «Хирадномаи Искандарий» (Искандар хирадномаси) (890 ҳижрий) 1485 йил.

Жомий бу 5 дostonни тугатгач, унга яна иккита дoston қўшади ва уни «Хамса»си етти дostonдан иборат бўлиб, «Ҳафт-авранг» номини олади. Бу икки дoston шoir ҳали «Хамса» ёзишга киришмасдан бурун (1472 йилда) ёзилган.

«Силсилатун заҳҳаб» (Олтин занжир) дostonидир. Бунда тасаввуф ғояларининг бир қатор чалкаш масалалари ҳақида сўз юритилади. 1485 йилда бу дostonга яна бир дафтар қўшади. Бу дафтар сўфиёна ишқ, илоҳӣ муҳаббат ҳақидадир.

Иккинчиси эса (884 ҳижрий) 1479-1480 йилларда ёзилган «Саломон ва Ибсол» дostonидир. Қадимги Юнон қиссаларидан олинган бу сюжетдан ҳам Жомий тасаввуф ғояларини тарғиб қилиш учун фойдаланди. Аммо тасаввуф терминологиясидан беҳабар оддий халқ уни ширингина ишқӣ қиссалар сифатида қабул қилди.

Маснавийда олдинги «Хамса» дostonлари вазнида яратилган бу дostonлар Низомӣ ва Дехлавӣ асарларидан қолишмаслигини таъкидлаб, Алишер Навоӣ қуйидаги байтларни ёзган эди:

*Ғазал дарду сўзини, ваҳ-ваҳ, не дей!
Деса маснавий, Оллоҳ-Оллоҳ, не дей!
Агар назмдин борча услуб анга,
Бори бир-биридин эрур хўб анга,
Вале маснавий ўзга олам дурур,
Ки таъбиға ҳоло мусаллам дурур.
Бўлуб жилвагар таъби кўзгусида,
Ки сабт айлади «Хамса» ўтрусида,
Эрур андин ортуққи, ўксук эмас,
Эл андин дер ортуққи, ўксук демас!*

Ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалаларда Жомий халқпарварлик ва инсонпарварлик, адолат ва инсоф масалаларига, зулмни, золимларни қоралашга кенг ўрин берди. Буни у, айниқса, шоҳлар ҳақида гап борганда, қайта-қайта қаламга олди. Унингча, шоҳ одил бўлса, халқ беҳавф-беҳатар яшайди.

Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун» дostonларида ишқ ва муҳаббат, дўстлик мавзулари янги илҳом, янги шеърӣ ҳарорат билан ёритилган бўлиб, шу анъанавӣ сюжетга қурилган дostonлар орасида алоҳида ўрин тутади. «Лайли ва Мажнун»нинг кириш қисмида дўстликни, муҳаббатни улуғлаб шоир ёзади:

*Умид хазинасин калити ёрдир,
Ҳаётинг у бирла шод, бахтиёрдир.
Вужудинг мақсуди недир зайри ёр?
Ёрсиз бу савдонинг не кераги бор?
Вужудинг топгунча буткул инқироз,
Бирор қуш этолмас ёр каби парвоз.*

(О. Бўриев таржимаси)

Худди шу сатрлар давомида Жомий дўстликка мисол тарзида бир умрлик қадрдон дўсти Алишер Навоӣни эслайди ва уни дўстлик боғидаги энг вафодор ва меҳрибон дўст сифатида шундай таъриф ва тавсиф этади:

*Дўстлик боғидаги маъсус хушқалом,
Вафо шоҳидадир Навоӣй мудом.
Гўзал сўзлар билан наво айлағай,
Озурда дилларни даво айлағай,
Бундан бошқа ишнинг бўлмас адоси,
Жаҳонда дўстларнинг бўлмас адоси.*

Ўз даврида Жомий фақат Навоӣйнинг эмас, балки бутун ўзбек адабиётининг ҳам энг яқин дўсти эди. Навоӣй ёзишича, у туркий тилда шеър ёзмаса ҳам, аммо бу тилдаги асарларни яхши тушунар ва улар ҳақида ўз фикрини айта олар эди. Мавлоно Лутфӣй вафоти олдида ўзининг тугалланмай қолган:

*«Гар кори дили ошиқ бо кофири Чин афтад
Беҳ з-он ки ба бадхўйи бемехри чунин афтад», -*

деб аталадиган матлаъ билан бошланган ғазалини Жомий давом этгариб, тугатиб, ўз девонига киритсин, - деб васият қилган. Маълумки, Жомий бу илтимосни бажарган. У Ҳусайн Бойқаро ижодидан ҳам тўла хабардор эди. Айниқса, унинг Навоӣй «Хамса»сига ўзининг «Хирадномаи Искандарӣй» дostonида қуйидаги баҳони бергани диққатга сазовордир:

*Ба турки забон нақше омад ажаб,
Ки жодудамонро бувад меҳри лаб.
Зи чарх офаринҳо бар он килк зод,
Ки ин нақши матбу аз он килк зод.*

Мазмуни:

Туркий тилда шундай бир ажойиб нақш (асар) пайдо бўлдики,
Унинг олдида ҳар қандай (сўз) сеҳргари оғзини очолмай қолди.
Фалақдан офаринлар ёғилсин (бу нақшни чизган Навоий) қаламигаки,
Бу гўзал нақш, ахир, ўша қаламнинг ишидир.

Будан ташқари, Жомийнинг насрий асарлари ҳам жуда кўп. «Миръотул хаёл» (Хаёл кўзгуси) тазкирасининг муаллифи Шерхон Лўдий Жомий асарларининг сонини 99 тага олиб боради. 1559 йилда ёзилган «Тухфаи Сомий» тазкирасида шоирнинг 45 асарининг номи, Бертельснинг «Жомий» монографиясида 52 асарининг рўйхати келтирилган. Улар орасида дидактик характердаги «Баҳористон» асарининг ўрни алоҳидадир.

Жомий бу асарини ўғли Зиёвиддин Юсуфга атаб, унга ўқиш китоби сифатида (892 хижрий) 1486-1487 йилларда ёзган. Бу асар 8 бобдан-равзадан иборат бўлиб, Саъдийнинг машҳур «Гулистон» асари услубида ёзилган.

1-равза тасаввуф шайхлари, авлиё ҳисобланган олимлар ҳақидаги ҳикматлардан иборат бўлиб, Жомий уларни ҳаётдан олинган ҳикоялар билан тасаввуф ғояларини тарғиб қилади.

2-равза донишмандлар, файласуф ҳокимлар, тарихда ўтган давлат арбобларининг ҳикматли сўзлари, латиф иборалари келтирилади, улар ҳаётдан олинган воқеалар тасвири орқали жамият учун фойдали насиҳатномалар яратилади.

3-равза подшоҳлар зикрида бўлиб, унда шоир мамлакатда адолат ўрнатиш, раиятпарварлик ҳақидаги мазмундор ҳикоялар ва афористик шеърлар билан шоҳ ва ҳукмдорларга насиҳат қилади.

4-равзадаги қиссаларда саҳийлик, олий ҳимматлилик, мардлик, шижоат, яхшилик ҳақида ҳикоя қилинади.

5-Равза ишқ-муҳаббат ҳақида сўз боради.

6-Равзада ҳазил-мутоиба, ҳажвий ҳикоялар ва латифалар йиғилган. Бу ҳикояларда Жомий давлат маъмурларининг хиёнаткорлиги, муфти ва қориларни риёкорлиги, табибнинг, нодонлиги, жоҳиллиги, бадавлат кишиларнинг ҳасислиги ва бошқалар устидан қилинади.

7-равзада шеърят ва шоирлар ҳақида сўз боради. Бу боб ўзига хос тазкирадир. Бунда ўша давр адабиёти, шоирлари ҳақида ҳикматли манбаалар, уларнинг ижодидин намуналар келтиради.

8-равза таълим-тарбия мазмунидаги, ибратли ва насиҳатомуз масалалардан иборат.

Абдурахмон Жомий темурийлар даври илм-фани ва адабиётининг фаҳри, Шарқ шеърятини янги юксакликка кўтарган сўз санъаткорларидан биридир. У бир неча асрдирки, Навоий билан ёнма-ён, ўзбек шоир ва адибларига ҳам устозлик қилиб келмоқда ва доим шундай бўлиб қолади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижоди ҳақида нималарни биласиз?
2. Абдурахмон Жомий ва Навоий муносабатлари ҳақида сўзланг.
3. Абдурахмон Жомийнинг «Сибҳатул-аброр» асарида нималарни баён этади?
4. Жомийнинг «Ҳафт авранг» асари нечта дostonдан иборат?

10-мавзу: XV аср ва XVI аср бошлари адабиётини ўрганиш манбалари

Маърузанинг мақсади:

- XV аср ва XVI аср бошларида адабий муҳит ҳақида тушунча бериш;
- ўша давр адабий муҳити ҳақида маълумот берувчи асарларга тавсиф бериш;
- XV аср ва XVI аср бошлари адабий муҳитини ўрганишда Навоий ва Жомий асарларининг ўрнини белгилаш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар XV аср ва XVI аср бошлари даври ва ўша даврдаги адиблар ҳақида етарлича билимга эга бўладилар;
- ўша давр адиблари ижоди билан танишадилар;
- ўша давр асарларини ўқиб, бадиий, эстетик тарбия оладилар.

Кўргазмали қуроллар:

Шу даврда яратилган асарлар, маърузалар матни,

Режа:

1. XV ва XVI аср бошлари адабиёти ҳақида маълумот берувчи фалсафий-ахлоқий асарлар
2. Тазкиралар
3. Тарихий асарлар
4. Илмий асарлар

Таянч иборалар:

тазкирачилик
«Баҳористон»
«Тазкиратуш-шуаро»
«Мажолисун-нафоис»
«Равзатус-сафо»
«Макоримул-ахлоқ»
«Равзатус-салотин»

XV асрнинг иккинчи ярмида ва XVI асрнинг авваллари ўзбек ва тожик халқлари маданий ҳаётида энг сермахсул бир давр ҳисобланади.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб ҳам ўзбек, ҳам форс-тожик тилидаги адабиётда катта сифат ўзгаришлари вужудга келган. Бу икки адабиётнинг икки дарғаси - Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари яратилди. Уларнинг раҳнамолигида тожик ҳамда ўзбек халқлари ўртасидан илм-фан, санъат ва адабиётнинг жанр ҳудудлари кенгайди.

«Баҳористон» Абдурахмон Жомий ижодида салмоқли ўрин тутади. Асар 1477 йили ёзилган бўлиб, Абдурахмон Жомийнинг ахлоқий-таълимий, тарбиявий-фалсафий фикрларини белгилашда қанчалик муҳим бўлса, буюк адибнинг эстетик қарашларини, адабий танқидий нигоҳини ўрганишда ҳам катта материал берувчи манба сифатида қимматлидир.

Алишер Навоий, Хаёлий Бухорий ва Орифий Ҳиравийларни мустасно қилганда, қолган ижодкорлар ҳақида Абдурахмон Жомий жуда ихчам фикр юритади.

Жомий ва Навоий муносабатлари устида фикр юритган Эрон адабиётшуноси профессор Али Асғар Ҳикмат бу дўстликнинг юксак муҳаббат даражасига кўтарилганлигини тўғри қайт қилган эди.

Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»и адабиёт назарияси, адабий танқидчилик тарихи ва шунингдек, форс-тожик адабиёти тарихи, унинг тараққиёт босқичларини тадқиқ ва таҳлил этишда қанчалик муҳим манба ролини ўйнаса, ўзбек адабиёти, унинг ажралмас тармоғи навоийшунослик ҳамда ўзбек ва

форс-тожик адабий алоқалари босиб ўтган йўлни илмий ўрганишда ҳам шунчалик қимматли манба вазифасини адо этади.

«Тазкиратуш-шуаро». Давлатшоҳ ибн Бахтшоҳи Самарқандийнинг номи илм оламига кўпроқ «Тазкиратуш-шуаро» тазкираси орқали маълумдир.

«Тазкиратуш-шуаро» тазкираси дебоча, етти табақот ва хотимадан ташкил топади. Унда 151 шоир ҳақида маълумот берилган.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг бу асари XV аср адабиётини тадқиқ этишда ғоят ишончли сарчашмалардан ҳисобланади.

«Тазкиратуш-шуаро»да шоирлар характеристикаси ўқувчини аниқ маълумотлар доирасига олиб киради.

XV асрнинг иккинчи ярми адабиётида Сухайлийнинг муносиб ўрни бор. У зуллисонин шоир сифатида форс-тожик ва ўзбек тилларида асарлар ёзиб, икки халқ маънавий хазинасини бойитишга салмоқли улуш қўшди.

«Мажолисун-нафоис». XV аср адабий ҳаётини ўрганишда бой материал берувчи манбалардан бири. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг бадиий ижод бобидаги тажрибалари, кузатиш ва йиққан адабий фактлари шу ноёб асарда умумлаштирилган.

Ўзбек, тожик адабиётшунослиги ва рус шарқшунослигида ёзилган қатор салмоқли ишларда «Мажолисун-нафоис»нинг илмий моҳияти ва қиммати батафсил ёритилган.

Алишер Навоий қаламига мансуб мазкур асар ўзбек ва форс-тожик адабиётлари ўртасидаги ўзаро таъсир ҳамда адабий алоқа тарихини ёритиш учун ҳам бой материал бера олиши билан қимматлидир.

«Мажолисун-нафоис»нинг форсий таржималари. XVI асрга келиб «Мажолисун-нафоис»дан ўрганиш, унга издошлик қилиш анъана тусини олди. Тазкирачилик (санъати) соҳасида Алишер Навоий традицияларини давом эттиришга киришганлар икки катта йўлдан бордилар.

Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асарига бўлган қизиқиш, бу асарни кенг таржима қилиш мисолида ҳам кўринади. Фақатгина XVI асрнинг ўзида «Мажолисун-нафоис» форс тилига уч марта таржима қилинди. Асарнинг биринчи таржимасини 1521-1522 Ҳиротда Фаҳрий бин Султон Муҳаммад Амирий бажарди. Асарнинг иккинчи таржимаси 1522-1523 йилларда Истанбулда, учинчи таржимаси эса бирмунча кейинроқ 1006-1597-1598 йилларда Нишопурда Шоҳ Али ибн Абдували томонидан ниҳоясига етказилди.

Тарихий асарларда адабий ҳаёт талқини. XV асрда илм-фаннинг бошқа соҳалари билан бирга тарихнавислик ҳам тараққий топди.

XV аср Ҳирот ижтимоий сиёсий географик ва маданий муҳитини илмий асосда ўрганишда Муиниддин Муҳаммад Исфизорийнинг «Равзатул-жаннат-фи-авсофи мадинати Ҳирот» номли фактларга бой асари ҳам катта илмий моҳият касб этади.

«Равзатул-жаннат-фи-авсофи Мадинати Ҳирот». Муҳаммад Исфизорийнинг мазкур асарида Ҳиротнинг тарихи, шунингдек, Хуросоннинг Нишонур, Балх, Тус, Машҳад, Марв, Ғазна каби шаҳарларининг сиёсий-маданий ҳаёти анчагина кенг ёритилади.

«Равзатул-жаннат»нинг муаллифи маданий ҳаётга тегишли фактларга алоҳида эътибор қилади. «Равзатул-жаннат»нинг бир неча саҳифасида шоира Меҳри ва шоир ҳамда давлат арбоби Шайхим Сухайлийларнинг номи тилга олинади. Муҳаммад Исфизорий асарнинг ҳар бир саҳифасида бу қаламкашлар хусусидаги янги-янги фикрларни ўртага ташлайди. Уларнинг адабий меросидан намуналар кўчиради.

«Равзатус-сафо» буюк Алишер Навоийнинг моддий ва маънавий кўмаги заминида вужудга келган йирик ёдгорлик ҳисобланади. Муҳаммад Ховандшоҳ Мирхонднинг «Равзатус-сафо» асарининг дебочасида қайд қилишча, Алишер Навоий унга ижодий иш учун шарт-шароит ҳозирлаб бериш билан бирга, ёзилажак тарихий асарининг режасини чизиб, услуб ва қамраб олиши лозим бўлган йилларни ҳам кўрсатиб берган. «Равзатус-

сафо»нинг еттинчи дафтарида нафақат тарихий воқеалар, балки XV аср адабий ҳаёти ҳам анча батафсил ёритилган.

«Макоримул-ахлоқ». XV асрнинг иккинчи ярмидаги тарихнависликнинг ривожига Ғиёсиддин Хондамирнинг салмоқли улуши қўшилди. У ўзининг «Макоримул-ахлоқ» «Дастурул-вузаро», «Маосирул-мулук», «Ҳабибус-сияр» каби асарлари билан шу йўлда хизмат қилди.

«Хулосатул-ахбор» - 1498-1499 йилларда буюк Алишер Навоийнинг илтимосига кўра яратилган катта тарихий асардир. Мазкур асар муқаддима, ўн мақола ва хотимадан ташкил топади.

«Равзатус-сафо» асарининг ихчамлаштирилган конспекти деб аташ ҳам мумкин. Ушбу асарнинг учинчи мақоласи XV аср адабий ҳаётини ўрганишда, айниқса, катта кизиқиш уйғотади.

«Ҳабиб ус-сияр» муқаддима, уч боб ва хотимадан ташкил топган асар бўлиб, уни Хондамир 1514-1523 йилларда ёзган ва 1528-1535 йиллар давомида Ҳиндистонда 2 марта жиддий таҳрирдан ўтказган.

«Равзатус-салотин». Фахрий Ҳиротийнинг мазкур асари Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»и таъсирида яратилган. Шоирнинг бу асари дебоचा, хотима ва етти бобдан ташкил топади.

Фахрий Ҳиротийнинг «Равзатус-салотин» асари XV аср форс-тожик ва ўзбек адабиётларини, хусусан, шу юз йилликдаги зуллийсоин адабиётни, шу билан боғлиқ равишда ўша икки адабиёт ўртасидаги адабий ҳамкорлик тарихини ўрганишда зарурий сарчашмалардан биридир.

Илмий асарларда давр ҳаётининг талқини. XV аср адабиётининг материаллари шу даврда бунёдга келган бир қатор илмий асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу даврда яратилган илмий асарларда адабиёт назариясининг маълум бир соҳасини ўша замон талаблари нуқтаи назардан ёритишга қаратилган.

Ана шу усул билан XV аср адабий ҳаёти манзаралари шу юз йилликда вужудга келган илмий асарларга ўз муҳрини босди, ёрқин изини қолдирган. Алишер Навоий «Мезонул-авзон» да ўзбек арузининг ўзига хос хусусиятлари устида баҳс юритиб, назарий умумлашмаларни ўртага ташлар экан, айтилган шу илмий хулосалар учун мисол тариқасида ўзининг ўзбек тилидаги адабий меросини Хўжа Исмат Бухорий ғазалидан ва халқ оғзаки ижодидан намуналар келтиради.

«Муҳокаматул-луғатайн». Тилшуносликка доир назарий манба бўлмиш бу асар ўзбек тилшунослиги тарихи учун нақадар зарур ва муҳим бўлса, форс-тожик ва ўзбек адабиётлари тарихини илмий тадқиқ этишда ҳам шунчалик муҳим ва ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоийнинг форс-тожик тилига бўлган ҳурмати ғоят баланд, мазкур адабиётга бўлган самимияти эса ундан ҳам юксакроқдир. Шунинг учун у ўзбек тили билан бирга форс-тожик тилида ҳам асарлар ёзди.

«Муҳокаматул-луғатайн»да Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий муносабатларини ўрганишга хизмат қилувчи материал эътиборга лойиқдир.

«Бадоеус-саное». XV асрда аруз, қофия ва муаммо каби шеърят унсурлари ҳамда жанрларга доир асарлар билан бир қаторда, поэтик санъатлар назариясига доир асарлар ҳам яратилган. «Бадоеус-саное» Алишер Навоий маслаҳати билан бунёдга келган асар ҳисобланади.

Бу асар XV аср адабиётининг истеъдодли арбобларидан бири Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний поэтик меросини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

«Аруз рисоласи». Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Аруз рисоласи» шеърый парчаларининг кўплиги билан фарқ қилади. З.М.Бобурнинг «Аруз рисоласи» ўзбек ва тожик адабиётлари тарихини ўрганишга муҳим ҳисса қўшади.

«Бобурнома» - бадиий, тарихий, мемуар асар сифатида адабиётшунос ва тарихчи, тилшунос ва этнограф, биолог ва географ ва яна бошқа бир қатор мутахассисларга қимматли материал бера олувчи бебаҳо хазинадир.

Бобур «Бобурнома»да ўнлаб қалам соҳиблари хусусида қимматли материаллар киритган, унинг бу ғоят шарафли иши туфайли XI асрнинг иккинчи ярмидаги адабий муҳит ҳақида бой материал тўпланган.

«Бадоеул-вақое» - XV асрнинг сўнгги чораги ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаб, фаолият кўрсатган Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг қаламига мансуб асардир.

Абдурахмон Жомий асарлари.

XV аср форс-тожик адабиётининг улкан сиймоси Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафаҳотул-унс», «Баҳористон», «Субҳатул-Аҳрор», «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномаи Искандарий», «Фотиҳатуш - шабоб» каби асарларида турли муносабатлар билан Алишер Навоий номини тилга олади.

Алишер Навоий асарлари. Алишер Навоийнинг бирон бир асари йўкки, унда у ижод этган адабий муҳитнинг маълум бир хусусияти, унинг намояндалари номи зикр топмаган бўлсин. Ёҳуд унинг ўлмас, «Хамса»си, «Ҳазойинул-маоний», «Девони фоний» каби ўзбек ва форс-тожик тилидаги лирик асарлари, «Ҳамсатул-мутаҳаййирин», «Маҳбубул-қулуб», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Муншаот», «Бадоеул-бидоя» девонларнинг дебочаси, «Насойимул-муҳаббат» каби тарихий-прозаик асарлари ана шу фазилати билан ажралиб туради.

Ҳусайн Байқаро рисоласи. «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» асарида XV асрнинг иккинчи ярмидаги маданий ҳаёт ва унинг икки буюк арбоби Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навоийларга доир жуда ажойиб маълумотлар берилади.

«Радонифул ашъор». Бу баёзнинг 1-14 ыарақларида Сайфий Бухорий ғазаллари алфавит сарасида тузилган баёзлар. Сўнгги асрларда тартиб берилган баёзларда ҳам XV аср адабиёти намуналари кўплаб учрайди.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. XV аср ва XVI асар бошлари адабиёти ҳақида нималарни биласиз?
2. Бу давр адабиётини ўрганишда қайси манбаларнинг ўрни муҳим?
3. «Равзатус-сафо» асари ҳақида нималарни биласиз?
4. Қандай тазкираларни биласиз?

11-мавзу: XV асрнинг 2-ярми ва XVI асрнинг бошлари адабиётида зуллисонайнлик

Маърузанинг мақсади:

- талабаларга XV асрнинг 2-ярми ва XVI асрнинг бошларидаги ижтимоий ҳаёт ҳақида тушунча бериш;
- XV асрнинг 2-ярми ва XVI асрнинг бошларидаги адабий муҳит билан таништириш;
- ўша даврдаги зуллисонайнлик анъанаси ҳақида тушунча бериш;
- зуллисонайнлик анъанасининг адабиётлар ривожига таъсири ҳақида билим бериш.

Кутиладиган натижалар:

- талабалар XV асрнинг 2-ярми ва XVI асрнинг бошлари даври адабиёти ва ўша даврдаги адиблар ҳақида билимга эга бўладилар;
- ўша давр адиблари ижоди билан танишадилар;
- ўша даврдаги зуллисонайнлик ҳақида тушунча оладилар;
- ўша давр асарларини ўқиб, бадиий, эстетик тарбия оладилар.

Кўргазмали қуроллар:

Алишер Навоийнинг “Девони Фоний” асари, маърузалар матни.

Режа:

1. Адабиётда зуллисонайнлик тарихи
2. Муламма – зуллисонайнлик тараққиётида ўзига хос босқич
3. Ўзбек адабиётида зуллисонайнлик анъанаси
4. Алишер Навоийнинг тожик тилидаги асарлари
5. Тожик ижодкорларининг ўзбек тилидаги шеърлари

Таянч иборалар:

зуллисонайнлик
муламма
зуллисонайнлик анъанаси
«Девони Фоний»

Зуллисонайнлик тарихи бадиий сўз санъатининг ўзи сингари қадимийдир. Бу традициянинг туғилиши ва тараққиёти халқлар ўртасидаги алоқў ва ҳамкорлик муносабатларининг пайдо бўлиш жараёнига бориб туташади. Халқлар, мамлакатлараро баҳамжиҳат муносабатлар, иқтисодий-сиёсий муомала, савдо-сотик ишлари қанчалик кенг авж олса, маданий алоқаларнинг кўлами ҳам шунчалик кенгаяди, раванқ топади. Шу билан боғлиқ равишда тил, турмуш, адабиёт ва санъатда ижобий маънодаги янгиликлар кўпайиб боради. Эслатилган жараён жамият тараққиётининг барча босқичларида кўзга ташланади. Аммо ана ўша жараённинг содир бўлиши ҳамма халқлар тақдирида бир хилда кечмайди. Масаланинг бу томони ижтимоий-сиёсий, тарихий-географик муҳит билан изоҳланади. Яъни, халқларнинг бир-бирига туташ ҳудудларида яшаши, кураш ва меҳнат тарзининг монандлиги, ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг тақозоси сифатида ўзаро яқинлашиш жараёни бошланади ва давом этади.

Тил - дил таржимони. Дилда бори тил туфайли рўёбга чиқади, неча-неча қалбларга йўл топиб яшайди, кишиларга завқ-шавқ ҳадя этади. Тилсиз шеърият ҳам, илм-фан, адабиёт ҳам бўлмайди. Фикрнинг ифодаланиш қуроли - тил билишга бўлган қизиқиш, бир неча тилда ижод қилиш анъанаси анча олисдан бошланади ва у кўпчилик халқлар адабиётида учрайди. Муҳими шундаки, зуллисонайнлик ҳодисасининг амал қилишида тилларнинг генетик жиҳатдан бир-бирига яқин ва ё мутлақо узоқлиги ҳал қилувчи роль ўйнамайди.

Зуллисонайнликнинг адабий анъанага айланиши билан боғлиқ тарзда унинг изоҳи луғат ва илмий рисоаларда кўрина бошлади. Масалан, «Навоий асарлари луғати»да ёзилади: «Зуллисонайнлик, арабча икки тил эгаси, икки тилни билувчи, икки тилда ижод қилувчи». «Тожик тилининг изоҳли луғати»да ҳам худди шундай фикр ўртага ташланади. Поэтик санъатлар устида баҳс юритувчи асарларда «Зуллисонайн»лик шеърий усул сифатида талқин этилади.

Ўзбек адабиётида зуллисонайнлик. Туркигўй шоирларларнинг тожик тилида қалам тебратиши XV асрнинг иккинчи ва XVI асрнинг биринчи ярмида ҳам ўзбек-тожик халқлари дўстлигининг рамзи сифатида амал қилди. Бу хусусда Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» сингари асарлари қимматли маълумотлар беради. Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ўз замонида туркий тилда вужудга келган ҳар бир асарни алоҳида синчковлик билан ўрганган. Унинг фаолиятида ҳаётга, атроф-муҳитга, адабиёт оламига ҳақиқатгўйлик кўзи билан қараш анъаналари биринчи ўринда туради. Улуғ шоир табиатидаги ўша олижаноб фазилат зуллисонайнлик бобидаги маълумотларни тўплаш мисолида янада равшанлашади. «Мажолисун-нафоис» да зикри ўтган 459 санъаткордан 39 таси туркигўй ёки зуллисонайн ижодкорлар ҳисобланади.

Зуллисонайнлик шарқ халқлари, хусусан, форс-тожик ва ўзбек адабиётларида қадимий анъаналарга эга поэтик санъатлардан ҳисобланади. Бу адабий ҳодиса шеърий

усул сифатида бир байтнинг икки тилда ўқилишига асосланади. Зуллisonайнликнинг иккинчи кўриниши бир ижодкорнинг икки тилда асар ёзиши, анча кенг тарқалган анъанадир. Ўзбек адабиёти тарихида Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сида мустаҳкам шаклланган бу анъана адабиётнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Муҳаммаджон Васфий сингари забардаст вакиллари ижодига қадар давом этиб келди. Икки тиллиликнинг бу шакли бир ижодкорнинг ўз адабий фаолияти давомида икки тилда қалам тебратиб асарлар яратиши, шу восита билан икки халқ маданияти раванқига улуш қўшиши улар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мумтоз адабиётда ана шундай шарафли бахтга мушарраф бўлган таъб аҳллари «Зуллisonайн ижодкорлар» тарзида тилга олиш уларни юксак фазилатли шахслар сифатида ардоқлаш ҳам анъана тусини олган. Замон тақозоси билан баҳамжиҳат ҳаёт туфайли кўпгина ўзбекча сўзлар форс-тожик тилига ва акси ўлароқ, форс-тожик сўзлари ўзбек тилига кириб, ўзлашган. Буларга Абу Али Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Тошхўжа Асирий ва Муқимийларнинг устозу шогирдлиги, бамаслаҳат ижодий ҳамкорлиги қўшилиб бу икки халқни янада яқинлаштирди. Форс-тожик адабиёти тарихини ўзбек адабиёти тарихидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас, чунки ўзбек адабиёти ўз тараққиёти йўлида форс-тожик адабиётининг ҳаётбахш таъсирини ҳис этгани каби, ўз навбатида ўша адабиёт раванқи учун самарали таъсир ҳам кўрсатишга эришди. Хоразмий, Юсуф Амирий, Сайфи Сароий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий сингари ўнлаб ўзбек қаламкашларининг ўз она тиллари билан бир қаторда форс-тожик тилида, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳилолий, Биноий, Осафий, Восифий каби форс-тожик арбобларининг ўзбек тилида ижод қилиши; Муҳаммад Солиҳ, Амир Шайхим Суҳайлий сингари ўнлаб таъб соҳибларининг ҳар икки тилда бирдай қалам тебратиб, девонлар тартиб бериши бу адабиётлар ўртасида мустаҳкам мантиқ занжири борлигидан далолат беради. Юқоридагилардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Зуллisonайнлик ўзбек ва тожик халқларининг ҳамжиҳат ҳаёти жараёнида шаклланиб борган ва узоқ давом этган тараққиёт босқичини бошидан кечирди. Дастлаб қўшни тилга қизиқиш, уни ўрганиш ва бадиий асарларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўша тилга мансуб сўзларни қўллаш жараёнида зуллisonайнликнинг «ширу-шакар», «муламма» каби кўринишлар юзага келди. «Ширу-шакар» ва «муламма»нинг такомил эса тўла маънодаги зуллisonайн қалашкашларини – икки тилда оригинал асарлар яратувчи шоирларнинг балоғатга етишида қулай вазият ҳозирлади. XV асрнинг биринчи ярмидаёқ «зуллisonайнлик», «шару-шакар», «муламма» поэтик санъатлари доирасидан чиқиб, ўзбек ва форс-тожик адабиётларининг мустақил соҳаси даражасига кўтарилди. Бу ҳаётбахш соҳа эса форс-тожик ҳамда ўзбек адабиётлари ўртасидаги алоқа, ўзаро таъсирни янада мустаҳкамлашда етакчи аҳамиятга эга бўлди.

Адабиёт тарихидаги зуллisonайнлик анъанаси тайёр шаклда майдонга келган ҳодиса эмас. Шарқ халқлари адабиёти тарихида амал қилиб келаётган муламмалик поэтик санъатининг эволюцион ўсиш йўли ҳам ана шу фикрни ўртага ташлаш имконини беради. Муламма – Шарқ халқлари адабиётида анча оммалашган адабий ҳодиса. Унинг вужудга келиши Ўрта Осиёда тиллараро курашларнинг кучайиши босқичқичларига тўғри келади. Зуллisonайнлик ва муламма асарлар яратиш йўлидаги илк уринишлар форс-тожик-араб, форс-тожик-араб-мўғул, араб-ўзбек, араб-ўзбек-мўғул формасида намоён бўлади. Илк муламмаларнинг излари киши номларидаёқ кўзга ташланади. Ўрта Осиё халқларининг номномаси кўздан кечирилар экан, ўша киши исмлари рўйхатида арабча, форсча-тожикча, мўғулча, юнонча, грекча, лотинча ва яҳудийча сўзларнинг атоқли от вазифасида келганлиги маълум бўлади. Бундай фактлар гарчи кичик бўлиб кўринса-да, аслида унинг тагида катта ҳаётий ва тарихий ҳақиқат ётади.

Муламма – шарқ халқлари адабиётида анча кенг оммалашган поэтик усуллардан бири бўлиб, унда қалам тебратиш ижодкордан биргина кичик лирик жанрдаги асарнинг ўзида бир неча тил материалларидан фойдаланишни тақозо қилади. Ҳозирга қадар вужудга келган муламмаларнинг арабча-форсча-тожикча, форсча-тожикча-ўзбекча,

ўзбекча-арабча-мўғулча, ўзбекча-арабча, тожикча-ўзбекча, тожикча-русча, ўзбекча-русча, ўзбекча-русча-тожикча сўзлар қоришмасидан яратилганлиги фикримизнинг исботи бўлиб хизмат қилади. Муламма атамаси билан параллел тарзда шеърлар учун илмий ва бадиий адабиётларда «ширу-шакар», агар бу хусусиятга молик асарларда уч тилга оид сўзлар катнашган бўлса, «шаҳду ширу-шакар» мавҳумлари ҳам қўлланилади.

Муламмада ижод этилган асарларнинг байтлар миқдорини қатъий чеклаш қийин. Муламмалар байтлар миқдори жиҳатидан турлича (энг кичиги 4 мисра ва энг каттаси 26 байт, ҳатто ундан ҳам кўп бўлиш мумкин) бўлади. Масалан,

***Ширу шакардек бири бирлан қарин,
Ҳамсабақу ҳамнафасу ҳамнишин.*** (Ю. Амирий)

***Рамузул – ишқ конат мушкилам бил – акс ҳаллилҳо,
Ки он ёқути маҳлулат намояд ҳалли мушкилҳо.*** (А.Навоий)

Замонлар ўтиши билан муламмачиликнинг янги-янги шакллари вужудга келди. Масалан, Мавлоно Лутфийнинг

***Кўрдум сени, кетди ғам, алминнатуллаҳ,
Жон тонди ҳаёт ушбу дам, алминнатуллаҳ, -***

матлаи билан ибтидо топувчи ғазалида араб тиладан олинган «алминнатуллаҳ» сўзи радиф вазифасида келиб шоир тасвиридаги психологик ҳолатнинг жонли, жозибали ва кутилгандай чиқишида хизмат қилган.

Бутунги кунда анъанага кириб, кенг жамоатчилик томонидан расмана номлардай қабул қилинувчи Алишер, Навоий, Бобур, Улуғбек, Фурқат, Ойбек, Уйғун, Зулфия, Эркин сингари ўнлаб киши исмлари ана ўша ширин истакнинг маҳсули сифатида вужудга келган. Киши номлари рўйхатининг кун сайин бойиб боришида салмоқли таъсир кўрсатувчи иккинчи омил эса бадиий адабиётга боғланади. Ўзга таъбир билан айтганда, ҳаётнинг маълум пайтида шухрат қозонган у ёки бу бадиий асардаги ижобий типларнинг номига адашлар кўпаяди. Ана шу ҳодиса ўзининг узоқ тарихига эга.

Алишер Навоийнинг тожик тилидаги асарлари

Адабиётимиз тарихида Алишер Навоийнинг табаррук номи зуллисонан ижодкор сифатида ҳам қадрлидир. Шоир бу шарафли унвонга бой маънавий мероси туфайли сазовор бўлди. У форс-тожик тилини пухта билибгина қолмай, қадимий анъаналарга бой бу тилнинг имкониятларидан ҳам дурустгина хабардор эди. Бунини улуғ адибнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари тўла тасдиқ этади. Айтиш керакки, Алишер Навоий форс-тожик тилини камситиш йўлидан бормайди. Фикримизча, тили бошқа-бошқа, аммо дили, феъл-атвори, урф-одати, касб-кори, мавсум-маросими, турмуш тарзи, тақдир ва тарихи туташ бу икки халқни Алишер Навоий тенг кўрган ва бирдай ардоқлаган. Халқларимизнинг дўстлик тарихидан чуқур хабардор бўлган улуғ ўзбек шоири ўша шаффоф биродарлик саҳифаларига доғ тушишини, хиралашиб қолишини истамаган. Бунининг илмий ва бадиий мероси тўла қувватлайди.

Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари мукаммал бир тўплам тусини олган. Адабиёт тарихида «Девони Фоний» номи остида маълум бўлган бу китобнинг мундарижаси хусусида муаллифнинг ўзи «Муҳокаматул-луғатайн» асарида шундай мулоҳаза юритади: «Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамий суҳан адолар ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдур, тартиб берибманким, *олти мингдан абъёти адади кўпрақдурки*, кўпрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлубтур». Кўчирилган парчадан, «Девони Фоний»нинг икки муҳим хусусияти аён бўлаётир. Булардан биринчиси, шу тўплам таркибидаги-асарлар аксариятининг Хожа Ҳофиз

Шерозий ғазалиётига татаббу қилинганлиги ҳисобланади. Иккинчиси, тўпламга киритилган шеърлар микдорининг олти минг байтдан зидроқ эканлигидир.

«Муҳокаматул-луғатайн» асарининг Алишер Навоий форс-тожик тилидаги меросини ўрганишдаги муҳим манбалик роли яна шундаки, унда «Девони Фоний» тўпламининг нашрларига кирмай қолган анчагина қасидаларнинг номи тилга олиниб, матлалари келтирилади. Жумладан, «Насимул-хулд», «Рухул-қудс», «Айнул-хаёт», «Минҳожул-нажот», «Қувватул-қулуб» қасидалари ва тўрт қасидадан иборат «Фусули арбаа»нинг мундарижаси баён этилади. Шарқ классик шеърятининг тўққиз жанрида яратилган бу мероснинг ҳажми «Муҳокаматул-луғатайн»даги маълумотларга кўра, ўн икки минг мисрадан кўпроқдир.

Проф. Ҳамид Сулаймон Алишер Навоий асарлари ўн беш томлигига ёзган сўз бошисида «Девони Фоний»даги шеърларнинг умумий ҳажмини 6197 байт ёхуд 12394 мисра деб кўрсатади. Фикримизча, бу рақам ҳам тугал эмас. Чунки Ҳ. Сулаймон аниқлаган редакцияда Алишер Навоий форсий қасидаларининг сони 7 деб кўрсатилади. Ҳолбуки, «Ситтаи зарурия» ва «Фусули арбаа» таркибида ўн қасида жойлаштирилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми икки минг мисрадан ошади. Кўринадики, юқоридаги рақамга уч қасиданинг мисралари қўшилмай қолган:

Айтилганлар ҳисобга олинadиган бўлса, Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари ўн уч минг мисрага яқинлашади. Аслида, шунча байтдан тузилган шеърый меросни яратишнинг ўзи бир умрни талаб қилади, Иккинчидан, бундай салмоққа эга асарлар форс-тожик адабиёти равнақига қўшилган бебаҳо улушдир.

Форс-тожик адабиёти вакиллариининг қардош тиллар, хусусан, ўзбек тилида қалам тебратиши ўз тарихига эга. Гарчи бу ҳодисанинг дастлабки элементлари форс-тожик адабиёти тарихий тараққиётининг XII-XIII асрларига тўғри келса-да, кенг ривож топиши XV асрнинг охири ва XVI аср бошларидан бошланади.

Тожик адабиётида ўзбек тилида ижод қилиш билан боғлиқ зуллисонайнликнинг бундай тус олиши қатор ижтимоий-сиёсий ва тарихий омиллар билан изоҳланади. XV асрнинг сўнгги чораги ва XVI аср ибтидосида ўзбек тилининг нуфузи янада кўтарилиб борди. Афғонистону Ҳиндистонда бобурийлар салтанатининг пайдо бўлиши билан айни пайтда бу ўлкаларда ҳам туркий тил тараққиёти учун қулай шарт-шароитлар ҳозирланди. Тарих майдонидаги бундай силжишлар туркий тилнинг ўзаро алоқа, муомала, муносабат функциясидаги ролини ошириш билан бирга, унга иккинчи она тилидай муносабатда бўлиш, табиат ва жамият воқеа-ҳодисалари уйғотган ҳис-ҳаяжон, туйғуларни бадиий ифодалашга бўлган ҳавас ва ружуни ҳам кучайтирди. Шу тариқа «икки тиллилик Навоийдан сўнг тожик адабиётида ҳам мустаҳкам ўрин олиб, қутлуғ анъана сифатида давом эттирилди». Натижада XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида яшаган Биноий, Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳилолий сингари талантли тожик шоирлари Алишер Навоийга эргашиб ўзбек тилида ҳам анчагина гўзал шеърлар, ғазаллар яратганлар.

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларидаги тожик адабиётида зуллисонайнлик анъаналарига амал қилган, ўз она тили каторида баъзан ўзбекча шеърлар битган шоирлардан яна бири Камолиддин Биноийдир. Мавлоно Биноий муламмалари ва соф ўзбек тилида ижод қилинган шеърлари билан икки тиллилик ривожига сезиларли улуш қўша олди. Маълумки, бу қаламқашнинг ҳаёт йўли икки сулола салтанати йилларига тўғри келади. Шунинг учун ҳам у бирмунча нотинч ва укубатли ҳаёт манзараларини бошидан ўтказган. Гоҳ темурийлар ва гоҳ шайбонийлар даргоҳида паноҳ топган. Шоирнинг ана шундай дарбадар ҳаёти, кейинча, Шайбонийхон олдида нуфуз топиб, унга яқинлашуви билан боғлиқ тарзда унинг ўзбек тилидаги шеърлари майдонга келган. Бироқ манбаларнинг гувоҳлик беришича, шоирнинг бу тилдаги адабий мероси деярли кўп эмас. Бундан қатъи назар, Мавлоно Биноийнинг ўзбек тилидаги тарқоқ асарлари ҳам унинг бу тилни анчагина яхши билишидан дарак беради.

Бадриддин Ҳилолийнинг зуллисонайнликка муносабати ўзгача йўналишни ташкил қилади. Чунки у келиб чиқиши нуқтаи назаридан туркий қабилаларга мансуб бўлса-да,

умри бўйи тожик тилида дилбар асарлар ижод қилиб, тожик адабиётининг забардаст каламкашлари рўйхатидан жой олган. Алишер Навоий ҳам ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида Мавлоно Ҳилолий ҳақида мулоҳаза юритиб, унинг турк элидан эканлигини таъкидлагани ҳолда, тожик тилидаги шеърдан парча кўчиради. У умри давомида тожик тилида ижод қилди ва форс-тожик адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Шуниси характерлики, адабий алоқа ва ўзаро таъсирнинг воқе бўлишида қатор идеологик ва эстетик факторлар қатнашади. Ана шундай ғоявий ва эстетик илдизи бўлган адабий алоқагина мустаҳкам, узоқ яшовчи ва айни замонда, чинакам ўзаро таъсир учун замин яратиш имконига эгадир. Бундай адабий алоқа ва ўзаро таъсир икки мамлакат, алоҳида олинган ҳудуддаги адабиётлар учун фойда келтиради, уларда чинакам ижодий муҳитнинг ривожини, истиқбол уфқларининг кенгайишини, умуминсоний ғоялар билан суғорилган юксак маҳоратли асарларнинг вужудга келишида илҳомбахш туртки бўлиб хизмат қилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Зуллисонайнлик анъаналари қачондан бошланди?
2. Зуллисонайнлик тарихи ҳақида нималарни биласиз?
3. Алишер Навоий зуллисонайн шоир сифатида яратган девони қандай номланган?
4. Бадриддин Ҳилолий зуллисонайнлик ривожига қандай ҳисса қўшган?

М У Н Д А Р И Ж А

1 Кириш. Курснинг мақсад ва вазифалари.....	7
2 IX-XII асрларда форсий тилдаги адабиётнинг ривож топиши. Рўдакий.....	9
3 Абулқосим Фирдавсий ва шоҳноманавислик.....	1 4
4 XI-XII асрлар форс-тожик адабиёти. Носир Хусрав, Умар Хайём..	1 8
5 Низомий Ганжавий ҳаёти ва фаолияти.....	2 3
6 XIII-XIV асрлар форс-тожик адабиёти. Саъдий Шерозий.....	2 7
7 Хусрав Дехлавий.....	3 2
8 Ҳофиз Шерозий	3 8
9 Абдурахмон Жомий.....	4 5
10 XV аср ва XVI аср бошлари адабиётини ўрганиш манбалари.....	5 4
11 XV асрнинг 2-ярми ва XVI асрнинг бошлари адабиётида зулфисонайлик.....	5 8